

М-877
2001:1

O'ZBEKISTON TARIXI



1
2001



2877

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI


*Jurnalga 1998. yil iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt marta chiqadi*

1

2001

Toshkent

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
«Fan» nashriyoti



Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА (*бош муҳаррир*), Азамат ЗИЁ, Бўрибой АҲМЕДОВ, Шонра АСАДОВА (*масъул котиб*), Омонулло БҶРИЁВ, Валерия ГЕНТШКЕ, Доно ЗИЁЕВА, Нейматилла ИБРОҲИМОВ, Зилъиддин ИСЛОМОВ, Уткир ИСЛОМОВ, Мирсодиқ ИСҲОҚОВ, Элёр ҚАРИМОВ, Розия МУҚМИНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЁ, Рустам СУЛАЙМОНОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Темур ШИРИНОВ, Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Асомиддин УРИНБОЕВ.

Манзиллими:

700170, Тошкент, П. Мўминов кўчаси, 9-уй
Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2001 йил.

Муҳаррирлар: М. Саидова, Х. Раунова
Техмуҳаррир: Л. П. Тюркина

Рўйхатдан ўттири тартиби № 60205. Теринга берилди 19.02.2001. Босинга рухсат этилди 6.04.2001.
Қогоз бичими 70, 100%. Адабий гарнитура. Юқори босма. «Езма» қоғози. Шартли босма 6,77 т.
Ҳисоб-нашриёти 6,0 т. 801 нусха. 12-бузуртма.

ЎЗР ФА «Фан» нашриёти: 700017, Тошкент, акад. Я. Гуломов кўчаси, 70.
ЎЗР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 79.

„Авесто“нинг 2700 йиллигига

А. Аширов

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТУРМУШ ТАРЗИДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЗЛАРИ

Дунёда янги динларни инсонларга етказувчи, ижтимоий-маданий ҳаётда ва тарихда ўчмас из қолдирган сиймолар кўп бўлган. Шулардан бири Зардуштдир. У милoddан олдинги VII асрнинг охири ва VI асрнинг биринчи ярмида Ахура-Маздани яққою ягона таңгри деб эълон қилиб, тарихда биринчи бор ваҳдоният ғоясига таянган зардуштийлик динига асос солган. Зардуштийлик дини бундан 2,5 минг йил муқаддам, Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёдаги кўпгина давлатларга ҳамда Кавказортининг баъзи ҳудудларига ёйилган.

Милoddан олдинги V—IV асрлардаги қадимги юнон олимларининг асарларида илк бор Зардуштнинг номи учрайди. Юнонлар уни Зороастра, у асос солган динни эса «зороастризм» номи билан юритишган.

Ҳозирга қадар яратилган баъзи тадқиқотлар асарлар, ёзилган китобларда Зардушт ва у яратган дин «мажусийлик», «оташпарастлик» деб тўғғри талқин этиб келинди. «Денкард» ва бошқа паҳлавий тилидаги китобларда Зардуштнинг исми «Магупта» шаклида зикр этилган. Бу ёдгорликлар араб тилига таржима қилинганда, Зардушт «Мажус» ва «Мажуса» тарзда ёзилган. Натижада унинг номи араб тилидаги илмий адабиётларда «Мажус», тарғиб қилган дини «Мажусий» деб аталган.

«Оташ», «Қуёш», «Нур», «Рўшнолик» зардуштийлик динининг рамзий симболи бўлган бўлса-да, лекин зардуштийлар ҳеч қачон қуёш, оловга сиғинган эмас. Фақат қуёш, ёруғликка қараб ибодат қилишган, сайил ва тўйларида ўртада гулхан ёқиб, атрофида ўйнашган, марҳумлар руҳини шам ёқиб хурсанд қилганлар. «Авесто»да икки ўринда оташ ва қуёш Ахура-Мазданинг фарзандларидир дейилди, унда оташпараст деган калима учрамайди ва ҳар саҳифада «Эҳ, Ахура-Мазда! Биз сени мадҳ этамиз, биз маздопарастмиз!»— деган хитоб такрор келади.

Бугунги кунгача зардуштийликка оид юзлаб тадқиқотлар ва илмий асарлар ёзилган бўлиб, уларнинг аксарияти зардуштийликнинг назарияси, фалсафаси ва унинг тарихига бағишланган¹. Ҳозиргача зардуштийлик маросимлари ва унинг бугунги кундаги излари тадқиқотчилар томонидан жуда кам ўрганилган². Шу бонс биз ушбу

¹ Рапопорт Ю. А. Из истории религии древнего Хорезма. М.: Наука, 1971; Воусе М. А. History of Zoroastrianism. Vol. 2. (Hand-buch der Orientalistik). Leiden, 1982; Рах И. В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана (зороастризм). Сиб.: М., 1998.

² Зардуштийлик маросимларига оид адабиётлар тўғғрисида батафсилроқ қаранг: Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. М., 1988; Дорощенко Е. А. Зороастрийцы в Иране. М.: Наука, 1982.

мақоламини зардуштийлик маросимлари ва унинг ўзбек халқи турмуш тарзидаги изларига бағишладик.

Зардуштийлар бир неча асрлар давомида руҳонийлар кузатуви остида ўзларининг урф-одат ва маросимларини шакллантирганлар. Зардуштийларда йил фасллари билан боғлиқ байрамлар, Наврўз, ойлар байрами, аждаодлар эътиқоди, турли дуолар айтиш, покланиш маросимлари, ўсмирларни зардуштийликка қабул қилиш (сидрапўшлик — оқ либос кийиб, белбоғ боғлаш) ва бошқа зардуштийлик тапталмалари муҳим роль ўйнаган. Бундан ташқари зардуштийларда никоҳ маросими, бола туғилиши ва дафи маросимлари ҳам мавжуд бўлиб, буларда асосан яқин қариноқлари, шэхар ва қишлоқнинг ҳурматли кишилари билан бирга руҳоний ҳам иштирок этган. Зардуштийлик маросимлари сирасига қудайлик ибодат ҳам кирган. Ҳар бир зардуштий фарзанди етти ёшдан бошлаб, баъзи бир дуоларни ёдлаб, ўз дини руҳида тарбияланган. Жамик қавм — қабилалар орасида «логамзодан» (отга сувлиқ солиш), «зин-задан» (отни эгарлаш), «камарбастан» одатига қатъий амал қилинган. Масалан, чорвачилик билан машғул қавмларда қизларга юнгдан ип йиғириниш, урчуқ ва чархда ишләш, матолар тўқиш, либослар тикиш шарт ҳисобланган. Ўғил болалар эса мол боқиш, туя, отларни парваринлаш, уларни бошқара олиш, яйловларда сурувни ўтлатиш, чорвани йиртқиш ҳайвонлар ва қароқчилардан ҳимоя қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билиш мажбурий бўлган. Ана шундан сўнг қизлар ўн беш, ўғил болалар ўн етти ёшда «логамзодан» ва «зин-задан» имтиҳонидан ўтган. Натижада балогат ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб «катбону» (уй бекаси), «катхудот» (онла бошлиғи) бўлиш, чўпон чўлиғини олиб, от сурини, туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритишган. Алоҳида иқтидорга эга йиғитлар эса, чавандозликка махсус тайёрланганлар, ҳарбий машқларда иштирок этганлар.

Зардуштийлик дини, яъни ягона тағрига эътиқод расман қабул қилинган, «сидрапўшлик» удуми жорий қилинган. Буца кура Ахура-Мазда фарзлари, ҳамда Зардушт ўнгитларидаги суниатларни тўла бажарадиган, ҳар жиҳатдан пок, юксак ахлоқли, устоз фотиҳасини олган зардуштийга оқ матодан чакмон, кўйлак кийгизиб, бошига салла ўраш, белига эса юнг илдан тўқилган белбоғни боғлаш одат тусига кирган. Белбоғни боғлашда белдан уч марта ўралган ва олди-орқа тарафидан тугун қилиб боғлаб қўйилади. Эътиқодли зардуштий бутун умри давомида ушбу белбоғни боғлаб, сидрапўшни кийиб юрган. Фақатгина ҳар бир ибодатдан олдин белбоғини счиб боғлаган³. Бу одат сал кам ўн уч аср давом этган. Зардуштийларнинг белбоғ боғлашларининг рамзий маъноси юз йиллар давомида шаклланган бўлиб, уни уч марта тугини зардуштийларининг уч қисмли этикасини билдирган⁴.

Фаргона водийси бўйлаб ўтказган дала тадқиқотларимизда зардуштийларининг «сидрапўшлик» удумининг ўзига хос изларини учратдик.

³ Рак И. В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. С. 270.

⁴ Бу ерда зардуштийларининг 3 этикаси: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амаллари ҳақида сўз кетаяпти. Қаранг: Бойс М. Зороастрийци. Верования и обычаи. С. 42.

Жумладан, XX аср бошларида водийда барча эркаклар ятак кийиб, белларига белбоғ боғлаш ва салла ўраш удуми кенг тарқалган эди. Одатда белбоғ ва салла ўраш болалик ёшидан ўсмирлик ёшига ўтган даврида бажарилган. Белбоғ донино уч марта тугун қилиб боғланган. Қолаверса, халқимиз орасида бошқа юртлардан келган меҳмонларга, никоҳ тўйида келиннинг хонадонида куёвга тўн, дўппи кийдириш ва беллига белбоғ боғлаш удуми ҳам кенг тарқалган. Бу удумнинг асосида бир томондан меҳмонга, куёвга бўлган ҳурмат, иззат-икром намоеи бўлса, бошқа томондан ўша меҳмоннинг халқимиз сафига рамзий қабул қилинганлиги ёки куёвнинг келин оиласининг янги аъзоси бўлганлигини аниқлатган. Бизнингча, халқимиз орасидаги тўн кийдириб, белбоғ боғлаш билан боғлиқ удумлар зардуштийларнинг синарапушлик маросимининг трансформацияга учраган шакли бўлса керак.

Зардуштийлар бир кеча-кундузи беш қисмга бўлиб, ибодат қилганлар⁵. Ибодатдан олдин ҳар бир диндор белбоғини ечиб юз-қўлларини ва оёқларини сийирининг тозаланган сийидиги, қум ва сув билан поклайди, сўнгра муқаддас белбоғини боғлаб, «синдра»ни кийган ҳолда тик турган ва белбоғининг олди тарафини қўли билан ушлаб турган. Унинг илгоҳи тақводорлик рамзи бўлган оловга қаратилган. Ибодат пайтида тақводор зардуштий маҳсус дуолар ўқиш билан бирга Ахура-Мазданни мадҳ этиб олқишлаб, Ахриманини лаънатлаган. Бугун ибодат даври бир неча дақиқа давом этган. Ҳар бир диндорнинг қўлида (айниқса, қурбонлик маросимларида) барсман деган бир тутам хивич бўлган. Хаома⁶ ҳам, барсман ҳам борлиқ мувозанатини ва тозаланиш сақлаш рамзи сифатида қадрланган. Зардуштийларнинг ҳар нафасида қироат қиладиган «ахунвар» деган сўзга хос калмаси ва бундан ташқари овқатланиш, чўмилиш, уйқу олдидан, жангга кириш, баъзида ҳатто жанггоҳдан қочаётганда, шунингдек, кун бўйи ўқиладиган қисқа дуолари ҳам бўлган. Танқили шарқшунос олима М. Бойс таъкидлаганидек, «Зардушт ўзининг давомчиларига ўзига хос икки мажбуриятин — кунга беш маҳал ибодат қилишни ва етти байрамни нишонлашни юклаган»⁷.

Ахура-Мазда қонунарида қуруқ ва бўз ерларни ҳайдаш ва ерни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савобли иш ҳисобланган. Вендидоднинг учинчи фаслида ёзилишича: «Ахура-Мазда ерга яхши, соғлом уруғ сепишдан ортиқ савоб иш йўқ», — дейди⁸.

Зардуштийларнинг зироатчилик билан боғлиқ кўплаб маросимлари иларни халқимизнинг турмуш тарзида бутунги кунгача сақланиб қолган. Жумладан, деҳқонларимизнинг ҳаёти, меҳнати ва ҳосилни йиғиш билан боғлиқ ўтказиладиган байрамларнинг кўплари бевосита зардуштийлик аъёналари билан боғлиқдир. Фарғона водийси деҳқонлари ерга

⁵ Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. С. 42.

⁶ Хаома авесто тилида, ўрта форс тилида хум дейилган. Хаома зардуштийларнинг маросимий ичмилиги ҳисобланади. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Рақ И. В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. С. 141—143, 512.

⁷ Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. С. 44.

⁸ Маковельский А. О. Авеста. Баку, 1960. С. 86.

уруг қадашлари муносабати билан «Далага қўш чиқариш», «Шохмой», «Экин сайли», «Қўш оши» номлари билан юритилувчи махсус маросимларни ўтказганлар. Ҳосил йиғиб олишда эса галлакорлар томонидан «Она бугдой», «Хирмон тўйи», «Ҳосил байрами» каби тантаналар ўтказилган⁹. Демак, биз шунга амин бўламизки, деҳқонларимиз томонидан уруг сепиш ва ҳосилни йиғиб олиш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган маросимлари узоқ тарихга эга бўлиб, бевосита зардуштийлик анъаналари билан боғлиқдир. Бугунги кунда деҳқонларимизнинг ерга уруг қадаш муносабати билан ўтказадиган маросимлари ўзбек халқи турмуш тарзида деярли унутилган, фақатгина қарияларимиз хотирасидагина сақланиб қолган¹⁰.

Зардуштийликнинг барча маросимлари, жумладан, Наврўз, Меҳржон байрамлари тантаналарида она замнига, деҳқончилик, чорвачилик ва ватанга бўлган муҳаббат руҳи, айниқса, улкан қудрат билан намоён бўлади. Қолаверса, бойчечакнинг чиқиши, лолақизғалдоқларнинг очилиши, бодомнинг гуллаши, умуман баҳор билан табиатнинг гўзаллашиб бориши эзгулик руҳининг тантанаси билан уларнинг ҳар бири катта шодиеналарга сабаб бўлган.

Республикамиз аҳолиси орасида баҳорда табиатнинг уйғониши, тоғ ва қир-адирларда турли гулларнинг очилиши муносабати билан турли сайиллар ўтказилиши мавжуд адабиётларда маълум даражада ёритилган¹¹. Жумладан, Хоразм ва Бухорода «Қизил гул сайли», Фарғона водийси, Қўқон ва Тошкент атрофларида «Лола сайли», баъзи тоғли туманларда, жумладан, Чустда «Сунбула сайли», яна бошқа жойларда «Бойчечак» каби байрамлар уюштирилган¹².

Фарғона водийсида баҳор даракчиси бойчечакка бағишланган удум эрта кўкламда адирларда, далаларда қорлар эриши, қиш тугай бошлаши билан ўзига хос байрам сифатида нишонланган. Айниқса, водийнинг шимолидаги Чуст, Янгикўрғон, Қосонсой ва Турақўрғон туманларида¹³ бойчечак очилганини билган болалар тўда-тўда бўлиб қувониб, таллашиб, бойчечаклар теришган. Сўнг «Бойчечак» кўшигини айтиб, уйма-уй кириб, баҳор даракчисининг пайдо бўлганлиги ҳақида суюнчи олишган. Болалар бойчечакни аввалига кекса ёшли қарияларга беришга интилишган. Чунки, бу гул улар учун қадри бўлиб, қишдан омон-эсон чиққанлигидан, яна баҳор келгани-

⁹ Дала ёзуви. Гойибов Абдурахмон. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Олчин қишлоғи.

¹⁰ Дала ёзуви. Латипов Абдулла. Наманган вилояти, Чуст тумани, Қорақўрғон қишлоғи.

¹¹ Қарам: Пещерова Е. М. Праздник тюльпана (лола) в селе Исфара Кокандского уезда/Сб. общества по изучению Таджикистана и иранских народностей за его пределами. 1927. С. 374—383; Слесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: Наука, 1969. С. 205—206; Хамраев А. Х. Праздник красной розы/Изв. АН Уз. 1958. № 5. С. 21—26.

¹² Корабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Тошкент, 1991. 29—31-бетлар.

¹³ Дала ёзуви. Тўхтаев Раҳимжон. Чуст тумани, Қорақўрғон қишлоғи; Саидова Ойинса. Янгикўрғон тумани, Заркент қишлоғи; Дўстматов Саримсоқ, Қосонсой тумани, Ровот қишлоғи; Раҳимова Шарофат. Тўрақўрғон тумани, Шаҳанд қишлоғи.

дан, янги ҳаёт бошланганидан дарак берган. Шунинг учун ҳам қариялар бойчечакни кўзига суртиб, «Омонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик», деб яхши ниётлар қилишган¹⁴.

Бойчечакнинг очилиши деҳқонларга баҳорги юмушларнинг бошланганлигини, табиатнинг уйғонганлигини билдирган. Фарғона водийсида баҳор келиши билан боғлиқ махсус «Лола байрам»лари ҳам ўтказилганлиги айтилган эди. Лола байрамлари, айниқса, водийнинг Исфара, Қонибодом туманларида (ҳозирда Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилоятида), Фарғона вилоятининг Маҳрам, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Хўжанд қишлоқларида доимий ўтказилган¹⁵. Байрамни халқ томонидан сайланган «Лолачилар» бошқарганлар.

Зардуштийликнинг бирор-бир маросими шу эътиқоднинг рамзи — оловсиз ўтган эмас. Олов турли кўринишларда: осмон олови, дарахтга яширинган олов, оташгоҳларда ёқиладиган олов, илоҳий олов, чақмоқ олови ва инсон танасига иссиқлик ва ҳаёт бағишловчи олов каби кўринишларда бўлган. Ёниб турган гулхан абадий ҳисобланиб, маълум илоҳиёт ёки ота-боболар руҳиятига бағишланган. Улар ўчирилмасдан сақланган ва бегоналар ҳамда ғайридинлар назар-нафасидан асралган¹⁶. Учоқ ёки оташгоҳнинг кули ҳам муқаддас ҳисобланиб, муқаддас жойларга кўмиб сақланган. Бундан ташқари, ҳар бир хонадонда шу хонадон чироғи, унинг қўри ва алангасини доимо ёқиб сақлайдиган оилавий оташгоҳлар ҳам бўлган. Улар кўпинча махсус ажратилган ва покиза тутилган хоналарда ташкил этилиб, олов эътибор билан ясалган ўчоқ ёки курси шаклидаги постамент (супача) устида ёқиб сақланган¹⁷.

Шунга яқин оловни эъзозлаш расмлари жуда кўп халқларга хос бўлганлиги маълум. Жумладан, муқаддас оилавий ўчоқ оловини бегоналардан яшириш қадимий юнон ва греклар учун ҳам хос бўлган¹⁸.

Оловга бўлган ҳурмат ва эътибор одатларининг бошқа баъзи кўринишлари Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Ўзбек халқининг этник компонентларидан бири бўлган қипчоқларда хонадон ўчоғи ҳеч қачон ўчирилмаган. Ахборотчиларимизнинг айтишларича, хонадон ўчоғида оловни кеча-кундуз ўчирмаслик ота-боболардан қолган одат бўлиб, уларнинг тасаввурича, оловсиз ўчоқ мисоли эгасиз, кимсасиз уйдир. Ўчоғида доимо олов ёнган хонадон

¹⁴ Дала ёзуви. Қодирали Қозоқбой ўғли. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Олчин қишлоғи.

¹⁵ Дала ёзуви. Шокироп Абдусаттор. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Хўжанд қишлоғи; Пещерева Е. М. Праздник тюльпана (лола) в селе Исфара. С. 218.

¹⁶ Воусе М. А. History of Zoroastrianism. Vol. 2. Leiden, 1982. P. 52.

¹⁷ Сулаймонов Р. Ҳ., Исҳоқов М. М. Зардуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар//Ўзбекистон тарихи. 1999. 1-сон. 47—48-бетлар.

¹⁸ Харуззи Н. Этнография верования. Сиб., 1905. С. 322.

дагина доимо барака бўлган¹⁹. Учоқда ёнаётган оловни булғамаслик учун ифлос нарсаларни, ҳатто ифлос ўтинни ёқиш ҳам тақиқланган. Ифлос ўтин ёқишдан олдин кўёшда қуритилган ёки сув билан ювиб тозаланган²⁰.

Олов ёнган ўчоққа қалампир, пои, овқат қолдиқлари ташлаш, ҳар хил аҳлат ёқиш ёки ўчоқдан чиққан кулни аҳлатхоналарга ташлаш, ҳаром чиқиндиларни ўчоқ оловида куйдириш гуноҳ ҳисобланган. Водийда кул билан аҳлатни қўшиш қатъий тақиқланган. Бунга сабаб, агар аҳлат билан кулни бир жойга ташланса, ушбу хонадоннинг тўй ва аза маросимлари бир-бирига қўшилиб кетар экан²¹. Мотам маросимларида эса оловни булғамаслик учун уч кунгача хонадон ўчоғида олов ёқиб, овқат тайёрланмаган. Бундан ташқари, никоҳ тўйи маросимларида келин-куёвларни ише-жинслардан поклаш мақсадида олов атрофида айлантириш ва сафарга кетаётганда хонадон оловидан бошқаларга бермаслик одатлари ҳам қайсибир маънода зардуштийлик маросимлари билан боғлиқ бўлса керак.

Водийда яшовчи қинчоқларда сурувни ёзги қароргоҳга ҳайдаш вақтида ёвуз кучлардан, ёмон кўзлардан сақлаш мақсадида чўпонлардан бири қўлида гулхан ушлаган ҳолда сурувни айланиб чиққан ва қўйларга исирик солинган. Ҳар йили яйловга кетишдан ва яйловдан қайтишдан олдин қўй сўйиб қурбонлик қилинган. Кузда қўйлар қишлоғга қайтаётган вақтда ҳам ёвуз кучлардан поклаш мақсадида гулханлар ёқилган ва сурувни улар орасидан ҳайдаб ўтилган. Яқин-яқиниларгача Фарғона водийсида хонадон оловини кечаси беголага берилмаган ва хонадон ўчоғидаги оловга фақат хонадон бекасигина тегиша олган²².

Зардуштийларнинг энг катта байрамларидан бири «Сада» байрамидир. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» китобида ёзиллишича, «Сада» Эрон кўёш тақвимиининг ўн биринчи ойна — бахманиннг учинчи кунинда байрам қилинган²³. Буида одамлар олов ёқиб, қиш захрини дафн этиш учун тутатқичлар тутатадилар. Ҳатто, шу кеча олов ёқиб алангалатиш, шу оловларга ёввойи ҳайвонларни ташлаш, алангаларнинг ичига паррандаларни учуриш ва (олов) атрофида ичимликлар ичиб, ўйин-кулги қилиш одатлари амал қилган²⁴.

Хулласе, зардуштийлар байрам ва маросимларидан бўлган «Сада» байрамида гулханлар ёқиш ва олов атрофида ўйин-кулги қилиш, ебичиш билан биргаликда келаётган барча зиёиларни бартараф қилиш

¹⁹ Дала ёзуви. Қуръинисо Тўрабой қизи. Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ровот қишлоғи.

²⁰ Бу мақсад йўлида ўтинни сув билан тозалаш бевоҳита Авестода ҳам мавжуд. Бу тўғрисида қаранг: Авеста. Избранные гимны/Пер. с авестийского и комментариев П. М. Среблин-Кахенского. Душанбе, 1990. С. 69.

²¹ Дала ёзуви. Углижон Жабборов. Наманган вилояти, Чуст тумани, Шўра-қўрган қишлоғи.

²² Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент: Фан, 1974. С. 230—231.

²³ Фирдавсий. Шоҳнома//Адабиёт ва санъат, 1975. 724-бет.

²⁴ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент, 1968. 275-бет.

мақсадда сопол идишларини ерга уриб сийдириш асосий одатлардан бири бўлган.

Тадқиқот жараёнида Фарғона водийси онла-турмуш анъаналарида «Сада» байрамига ўхшаш маросимни кузатдик. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, XX асрнинг бошларида водийнинг шимолида жойлашган Косонсой туманида сафар ойининг охиригача чоршанбаси кунин «Сафар қочти» маросими ўтказилган. Бу кун маҳаллаларда катта-катта гулханлар ёқилган. Барча одамлар турли балоқазоларни даф қилиш мақсадлида «Алас-алас, барча балолардан халос», деб гулханлардан сакраган ва сопол идишларини ерга уриб сийдирганлар²⁵. Ҳозирда эса бу маросим водийда деярли ўтказилмайди. Фақат қарияларнинг хотираларидагина сақланиб қолган²⁶.

Зардуштийлик таълимотида оловдан ташқари сувга ишбатан ҳам алоҳида қонда ишлаб чиқилган. Зардуштийларда сув муқаддас унсур саналиб, аввало унинг ўзининг тозаллиги борасида қайғурилган. Бунинг учун сув тебиат манбалари — дарёлар, кўллар ёки қудуқлар ҳар қандай попокликлардан қатъий ҳимоя қилинган. Агар маросимий попок бўлган қандайдир нарсани ювиш лозим бўлса, сув махсус жойга тўпланган, лекин шунда ҳам попок нарса тўғридан-тўғри сув билан ювмаган. Буни попок нарса аввал сийгир сийдиги билан ювилиб, қуёшда ёки қумда қуритилган ва сўнгра якуний поклаш мақсадлида сув билан ювилган. Шунингдек, ёмғир ёққан пайтда ташқарига чиқиб таққиланган, чунки бу билан сувни ва ерни «макрух» қилиб қўйиш мумкин дейилган. Сувни муқаддас санаб, уни эъзозлашга оид қараш ислом динида ҳам мавжуд. Жумладан, исломда сувни тежаб ишлатиш, уни ортиқча исроф қилмаслик таъкидланади. Сувни исроф қилишлик оғир гуноҳ ҳисобланган.

Ўзбек халқи турмуш тарзида ҳам сув ўзига хос муқаддас унсур сифатида эъзозланади. Жумладан, халқимизда сувга тупуриш ва попок ифлос нарсаларини сувга ташлаш қатъий тақиқланган бўлиб, бундай ишларни қилиш оғир гуноҳ ҳисобланган. Сув келадиган ариқлар, каналлар ва зовурлар ҳар йили баҳорда хашар йўли билан тозаланган. Янги каналлар, ариқлар қазини энг савобли ишлардан дейилган.

Зардуштийликда мураккаб ва ўзига хос дафн маросимлари ишлаб чиқилган. Зардуштийлар тасаввурича ўлим — бу ёмонлик ифодаси, касаллик ва ўлимни келтирувчи сержаҳл худо Аҳримандир. Қазо қилган одамнинг танаси ҳаром ҳисобланган. Шу билан зардуштийлар ўзларининг дунёдан ўтган яқинларини ерга қўмишмаган, оловда ҳам куйдиришмаган, сувга ҳам ташлашмаган. Балки, зардуштийлик маросимларига мувофиқ ўлимдан сўнг уч кечаю кундуз ўлиқнинг руҳи нариги дунёга етиб борганича, махсус хонага қўйилиб, пок нарсалардан маълум масофа узоқликда сақланган. Буни оловдан ўттиз қа-

²⁵ Дала ёзуви. Қодиров Абдураҳмон. Наманган вилояти, Косонсой шаҳри; Андреев М. С. Поездка летом 1928 г. в Касансайский район (север Ферганы) // Известия общества по изучению Таджикистана и иранских народностей за его пределами. Ташкент, 1929. С. 12—23.

²⁶ Дала ёзуви. Бозоров Содиқжон. Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Хуррият кўчаси.

дам, сувдан ўттиз қадам узоқлаштирилган ва ҳатто яқин қариндошларидан ҳам четлатилган. Шу билан марҳумларга ўлик хизматчилари — «насагалар»гина (насу — бу ўлим ифодаси, ўлимни шимолдан учиб келган пашша олиб келади, деб фараз қилинган) шугулланганлар²⁷.

«Вендидод»да баён қилинишича, марҳумларга тегиб макруҳ бўлган кийимларини қуёш нурида поклаш лозим бўлган²⁸. Фарғона водийси бўйлаб олиб борган дала тадқиқотларимиз жараёнида водий ўзбеклари ва тожиқлар турмуш тарзида биз шунга ўхшаш одатларни кўп-баб кузатдик. Жумладан, Наманган вилоятининг Косонсой, Чуст, Поп, Янгиқўрғон туманларида дафн маросими вақтида марҳумни қабристонга олиб боришда ишлатилган кўрпа, ёстиқ, кўрпача, палак каби нарсалар қабристондан қайтиб келинганидан сўнг бир кеча-кундуз юлдуз кўрсин деб ташқарига осиб қўйилган²⁹. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида эса марҳумни қабристонга олиб боришда ишлатилган кўрпа, кўрпачалар билан бирга марҳумнинг кийимлари ҳам юлдуз кўрсин деб ташқарига ёйиб қўйилган³⁰. Биз бунда осмон ёриткичлари — ой, юлдуз ва қуёшнинг покловчининг хусусиятига бўлган ишончини кузатамиз. Қолаверса, бу одат ҳам қайсибир маънода зардуштийлик анъаналари изларидан бўлса керак.

«Авесто»да гўристонларини шаҳар ва қишлоқлардан йироқда, баландликда жойлаштириш, уни ўраб қўйиш уқтирилган. Одам ёки ит мурдаси теккан ерда бир йилгача зироат экиш мумкин эмас, дейилади. «Вендидод»да мурда теккан либос, ерларни қатроқ қилиш, ўликни дафнгача асраш, унинг либосини махсус жойда асраш, уни барахна (ялангоч) қўйиш ва бошқа омиллар хусусида фойдали маслаҳатлар мавжуд. «Гўристон» ери 50 йилдан сўнггина ўзининг олдинги пок ҳолатига келади. Зардуштийлар одатига биноан, ана шундан кейингина бундай заминда мевали дарактлар ўтқизиш ёки у ерда зироаткорлик билан шугулланиш мумкинлиги уқтирилган.

Водийда олиб борган кузатишларимиз давомида биз минтақанинг аксарият ерларида қабристонлар қишлоқлардан четроқда жойлашганлигини кузатдик. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, қабристонларда марҳумларини қўйиш тўхтатилгандан кейин ҳам маълум муддат бузилмаган ёки қабристон бузилган тақдирда ҳам боғроғларга айлантирилган ёки деҳқончилик қилинган³¹.

Зардуштийликда овлабий муносабатлар масаласи ҳам муҳим ахлоқий ўрнида турган. Жумладан, аёлларнинг ҳомилдорлик даври ва фарзандли бўлганидан сўнг алоҳида гамхўрлик қилиш лозимлиги

²⁷ Маковельский А. О. Авеста. С. 101.

²⁸ Слесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. С. 135.

²⁹ Дала ёзуви. Тошматов Буйоша. Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ровот қишлоғи.

³⁰ Ушбу маълумот ЎзР ФА Тарих институти илмий ходими М. Қамариддиновдан ёзиб олинди.

³¹ Дала ёзуви. Қўшмонов Абдуқаҳдор. Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ровот қишлоғи.

таъкидланади³². Зардуштийларда ҳомилани тушириш ёки побуд қилиш қаттиқ қораланган. Ҳомиланинг қасддан побуд бўлишига сабабчи аёл жазоланган, бу фожиага эркак алоқадор бўлса, уни қатл этиш ҳақида ҳукм чиқарилган.

Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, Фарғона водийсида ҳам аёллар ҳомиладорлик вақти ва кейинчалик бола туғилгандан сўнг ҳам маълум табуларга амал қилган. Халқимизда ҳомилани олдириш оғир гуноҳ саналган.

«Авесто»да доимий бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юзқўлни бир неча марта ювиш, қўлни ювмасдан туриб тананинг бошқа жойини ушламаслик, сочни тоза тутиб тирноқларни тозалаб туриш маслаҳат берилган. Чунончи, «Вендидод»нинг 17-бобида шайтоннинг нажосати тўпланадиган ва кесиб ташланадиган тирноқ ва сочни нима қилиш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқ берилади.

Соч ва тирноқларининг афсунгарлик (магик) хоссалари ҳақидаги зардуштийлик қарашлари излари халқимиз ҳаётида бугунги кунгача сақланиб қолган. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, тирноқларни олганда, чекка ерга ташлаш лозим. Агар чекка ерга ташланмаса, қиёмат-қойимда ўша одамнинг оёғи остидан тешиб чиқар эмиш. Шу боис ҳам одамлар тирноқларини олганда, қозога кафанга ўхшатиб ўраб: «Қора ер сенга топширдим. Шамол сен гувоҳ бўл»,— деб четроқ ерга кўмиб қўйганлар³³.

Фарғона водийси ўзбекларида одатда олинган ёки ювганда тўкилган сочларни ҳам ўтга, сувга ташланмаган. Чунки, сочни ўтга, сувга ташлаш оғир гуноҳ ҳисобланган. Шу боис олинган ёки тўкилган сочни деворларнинг ковағига қўйилган ёки мевали дарахтнинг тағига кўмилган³⁴. Тошкентда сочни ток тағига кўмиш одати мавжуд.

«Авесто»да қариндошларнинг ўзаро онла қуришлари қону билан қатъий ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун улар шундай қилганлар.

Зардуштийлик этиқоди анъаналарига оид фикрларимиз якунида хулоса қилиб, шунини алоҳида таъкидлаймизки, одамларнинг дарёларнинг мусаффолигига ва тупроқ унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилишига даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заманимизда вужудга келганлиги тасодифий эмас³⁵. Зардуштийлик дини қадимда ўтмиш аждодларимизнинг ҳаётидаги асосий диний этиқодлардан бири бўлиши билан бирга ислом дини кириб келгандан кейин, халқимизнинг турмуш тарзида ўз изларини сақлаб қолганлигини ва ҳаттоки халқимизнинг бугунги кундаги онла-турмуш маросимларида ҳам сақланиб қолганлигини кўриб ўтдик. Бажарилаётган маросим ва урф-

³² Маковельский А. О. Авеста. С. 101.

³³ Дала ёзуви. Бухолча Имомберди қизи. Наманган вилояти, Косонсой тумани, Қозоқовул қишлоғи.

³⁴ Дала ёзуви. Ҳафиза Камолова. Наманган вилояти, Чуст тумани, Шўрбулоқ қишлоғи.

³⁵ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997. 146-бет.

одатларда зардуштийлик излари исломий маросимлар билан биргаликда синкретик тарзда яшаб келмоқда. Бошқача айтганда, зардуштийлик маросимлари билан боғлиқ анъана ва урф-одатлар излари авлодлардан авлодларга одат тариқасида ўтиб келмоқда.

Хуллас, ўзбек халқ турмуш тарзидаги зардуштийлик эътиқоди изларини тадқиқ қилиш натижасида зардуштийлик ўтмиш аجدодларимизнинг эътиқодий қарашлари тизмида асосий ўринлардан бирини эгаллаганлигига ва азалдан бизнинг заминимизда ҳукм сурганлигига яна бир бор амин бўлдик. Муҳими шундаки, зардуштийлик ва «Авесто» сингари буюк маънавий меросни ўзбек халқидан бегоналатишга қаратилган ғайриилмий даъволарга ўрин йўқлиги бугун мутлақо шубҳадан ҳолидир. Бинобарин, ўзбек халқи аجدодлари асос эътибори билан Турон заминининг туб аҳолиси бўлган. Шу заминда зардуштийлик ва «Авесто» дунёси шаклланган³⁶.

³⁶ Мақола т. ф. д. М. Исҳоқовнинг илмий таҳрири остида тайёрланди.

Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига

Ф. Қосимов

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ўзбек адабиётининг буюк сиймоси Алишер Навоий бутун ҳаёти, истеъдоди ва куч-қувватини инсон бахт-саодати учун курашга бағишлади. Шоир ва мутафаккир ўлмас асарларида ўзи яшаган муҳит ва замоннинг барча муҳим масалаларини қамраб олди, инсонпарварлик, халқпарварлик ғояларини илгари сурди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қатор асарлари ва чиқишларида, жумладан, 1998 йил июнида бир гуруҳ тарихчи-олимлар, публицистлар билан бўлган учрашув-мулоқотда жаҳон фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган буюк сиймолар қаторида Алишер Навоийнинг ҳам табаррук номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олдилар¹. Навоий ўзининг бадиий ижоди, қомусий билимлари ва теран фикрлари ҳамда олим-фузалоларга моддий, маънавий мадади, ғамхўрлиги билан катта шуҳрат қозонди. Навоийшунослигимизда тўғри таъкидланганидек, алломанинг бой меросида «замонасининг ҳамма муҳим, масалалари у вақтдаги фаннинг ҳамма ютуқлари акс эттирилгандир»².

XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда фалсафа, адабиёт, мусиқа, хаттотлик санъати билан бирга тарих илми ҳам юксак поғонага кўтарилди ва бунда Алишер Навоийнинг бево-сита улкан хизматлари бор. Таассуфки, навоийшунослигимизда бу беқиёс хизматлар тўла эътироф этилмаган. Навоийнинг серқирра ижоди турли ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари томонидан кенг ўрганилгани ҳолда унинг тарих фани соҳасидаги хайрли ва сермаҳсул ишлари илмий адабиётларда ҳали тўла акс эттирилмаган. Ҳар қалай, Навоийнинг тарихий қарашларига бағишланган биронта рисо-ла ёки жиддий илмий мақола ҳозиргача мавжуд эмас. Ҳолбуки, XV асрда Темурийлар давлатида тарих фанининг камол топиши Али-шер Навоийнинг номи билан боғлиқ дейишга тўла асос бор.

Шунинг алоҳида қайд қилиш лозимки, Навоийнинг аксар назмий ва насрий асарларида тарихий руҳ яққол сезилиб туради. Бу шоир яшаб ижод этган давр ва замоннинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. «Навоийнинг буюклиги, донишмандлиги ва бутун қобилияти тарихий жиҳатдан у яшаган муҳитга боғлиқ эди»³. Мусулмон Шарқининг энг йирик илм ва маданият марказига айланган Ҳиротда Ҳофи-

¹ Ислоҳ Каримов. Тарихий хотирасиз қслажак йўқ. Тошкент, 1998, 9-бет.

² Шарафутдинов О. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижодиёти. Тошкент, 1967, 36-бет.

³ Ўзбекистон халқлари тарихи. 1 жилд. Тошкент, 1992, 174-бет.

зи Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Исфизорий, Давлатшоҳ каби истеъдодли муаррихлар яшаб, қимматли тарихий асарлар яратганлар. Навоийнинг қайд қилишича, Хирот ҳукмдори Шоҳрух дунёвий илмлар ичда тарихни кўпроқ хуш кўрганлиги учун замонасининг талайгина йирик тарихнависларини ўз саройига таклиф этган. Маҳаллий муаррихлар Навоийнинг моддий ва маънавий кўмагига сазовор бўлишган, унинг ҳомийлиги туфайли тарихшуносликда сезиларли нз қолдирганлар. Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро» тарихий-адабий асарини Алишер Навоийга бағишлаган.

Алишер Навоий XV асрнинг йирик тарихшуноси Шарафиддин Али Яздий ҳақида «Насойим ул-муҳаббат» асарида маълумотлар келтириб, бу муаррихни «доншуманд ва соҳибжамол киши» деб таърифлайди. Шоир ўзининг болалик чоғида Шарафиддин Али Яздий билан учрашгани тўғрисида гапириб, «бу ҳақир синарсинда ул букъада алар хизматларига мушарраф бўлиб, меннинг борамда фотиҳалар уқудилар»⁴, деб эслайди. Навоий 13 ёшга кирганда, оламдан кўз юмган бу олим 10 дан ортиқ тарихий асарлар қолдирган. Улар орасида машҳур «Зафарнома» ҳам бўлиб (бу китоб «Фатҳнома соҳибқироний», «Зафарнома Темурий» номлари билан ҳам маълум), Навоий темурийлар даври тарихий воқеалари ҳақида хулосалар чиқарганда, бу асарга ҳам таянган.

Алишер Навоий раҳнамоллигида катта илмий шуҳрат қозongan муаррихлардан бири Мирхонддир (1433—1498). Мирхонд Навоийнинг «ҳар турли навозиш, марҳамат, илтифот ва мурувватларидан» баҳраманд бўлган тарихчидир. Навоий унга ўзининг «Ихлосия» хонақосидан бир ҳужра ажратиб берган ва унга бир тарихий асар ёзишни маслаҳат берган⁵. Қисқа вақт ичда Мирхонд бу китобни ёзиб тамомлаган. Бу «Равзат ус-сафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржиман ҳоли ҳақида жаннат боғи») бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан 1523 йилга қадар Шарқ мамлакатларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар акс эттирилган.

Буюк алломанинг тарих илмига, унинг равнақига бўлган олий қимматини Мирхонднинг набираси Хондамир (1475—1534) ҳаёти ва ижоди мисолда ҳам яққол кўриш мумкин. Хуросонда ўша замонларда энг бой ҳисобланган кутубхонасининг калитини Навоий тарихчилар орасида танилиб бораётган Хондамир қўлига топширади. Унинг олиб бораётган илмий-тарихий машғулотлари билан доимо қизиқиш боради. Устоз-шогирд орасида ота-боладек яқинлик бор эди. Хондамир ўзининг тўғилч асари «Хулосат ул-ахбор»дан тортиб устоз ва раҳнамоси вафотигача (1501) ёзган барча тарихий тадқиқотлари бўйича Навоий билан маслаҳатлашади, ундан қимматли кўрсатма ва йўлланмалар олиб баракали ижод қилди. Унинг қаламига мансуб «Маосир ул-мулук», «Номан номий» ва айниқса, «Ҳабиб ус-сияр» ўрта аср тарихшунослигининг дурдона асарлари қаторига кирган.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар. XV жилд. Тошкент, 1968. 165-бет.

⁵ Аҳмедов Б. А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Тошкент, 1991. 154-бет.

Баднийлик ва тарихийлик каби муштарак тушунчалар Алишер Навоий ижодида ўзининг эркин ифодасини топган. Шоир бадний асарларида ўтмиш воқеа-ҳодисаларига бевосита мурожаат этаркан, тарихий материалга поэтик жило бериб, уни китобхонга аниқ ва равшан ҳолда етказишга ҳаракат қилади.

Улуғ шоир, олим ва мутафаккирнинг жаҳоний шухрати шуни бот-бот исботлайдики, аллома ўз халқи, ўз юрти тарихини билса, ардоқласа, шундагина тарихан ўз зиммасига тушган бурчни адо эта олади, ўзининг буюклигини намоён қила олади. Таниқли адабиётшунос академик Иzzат Султон таъкидлаганидек: «Навоий ўз юртининг тарихига жуда қизиқар, умуман, инсоният тарихидан ўз даври кишилари учун сабоқлар чиқаришга интилар эдики, буни биз унинг ижодини таҳлил этганимизда жуда равшан кўражамиз. Навоий ўз даври ҳукмдорларини ҳам тарихни ўрганишга чақиради, ундан фойдали хулосалар чиқаришга ўргатади»⁶.

Дарҳақиқат, шоир «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги

Ва гар тарих сори айлагуноч майл,
Муни билгачки, не иш қилди ҳар хайл

мисраларида тарих тажрибасининг фойдаси ва афзаллиги ҳақида гапирса, «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари»)да сўфийлар, олимлар, шоирлар таржиман ҳолини ёритади: «Мажолис ун-нафоис» («Гўзал мажлислар»)да шеърятга яқин турган темирўй шохларининг қисқача характеристикасини бера, «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил ҳақида муҳокама»)да Мовароуннаҳр ҳудудларида араб, форс ва туркий (қадимий ўзбек) тилларининг ривожланиши жараёнларига ўлкадаги турли сиёсий-иқтисодий воқеаларнинг таъсири ҳақида сўз юритади. Муҳими шундаки, Навоий ўтмишда ўтган ҳар бир шахс, ҳар бир давлат тузумига ўз муносабатини аниқ белгилайди.

Шундай шахс ва салтанатлардан бири Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) ва унинг давлати эди. Юнон ҳукмдори образига шоир ўз «Хамса»сининг биринчи дostonи «Ҳайрат ул-аброр»да мурожаат қилиб, унинг жаҳонгирлиги ва шахсий хусусиятларини талқин этган. Мазкур мавзуга тўлиқ бағишланган «Садди Искандарий» дostonи 1484—1485 йилларда ёзилган бўлиб, Навоий «Хамса»сининг охириги, якуновчи ва энг катта китобидир. У қадим замонларда кечган воқеалар баёнини қамраб олган фалсафий-дидактик асар бўлиб, унда Искандарнинг ҳарбий юришлари, саркарда забт этган ўлка ва мамлакатлардаги шароит ва жараёнлар ҳаққоний акс эттирилган.

Шоир Искандар Зулқарнайн ҳукмронлигининг ижобий томонларига эътиборни қаратади. Искандар тахтга ўтиргач, оқилона сиёсат юргизиш, мамлакатда адолатли тартиб ўрнатишга ҳаракат қилади. Халқни икки йиллик солиқдан озод этади, қатъий нарх-наволар бел-

⁶ Иzzат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1969. 18—19-бетлар.

гилайди. йўлларга соқчилар чиқариб, мамлакатда тартиб ва адолат ўрнатади. Эл гамила бўлган Искандарнинг олижаноб иши сифатида шоир унинг деворини кўрсатади. Искандар қурдирган девор туфайли халқ яъжужлар ҳужумидан ва бошқа офатлардан қутулади. Шу деворга нисбат бериб Навоий ўз достонига «Садди Искандарий» («Искандар девори») деб ном берган. Қомусий аҳамиятга моллик бу асар қадимги тарих воқеаларига ҳаққоний тарзда шоирона ёндошиш намунасидир.

Олим ва мутафаккир эътиборини тортган, яна бир тарихий мавзу Амир Темури ва теуриийлар давлати эди. Шоирнинг ҳаёти, тақдирини ва ижоди шу сулола билан чамбарчас боғлиқ экан, у теуриийлар тарихини чуқур ўрганиди, бу ҳақда кенг мушоҳада қилди ва бу мавзу бўйича ҳалигача ўзининг илмий ва снсий қийматини йўқотмаган хулосалар шакллантирди. Алишер Навоийнинг Темурга берган баҳоси бугунги мустақил Ўзбекистонда соҳибқиронга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром билан ҳамоҳанг келади. Навоий ижод этган замонлардан қарийб 500 йил ўтгач, Темурнинг «Евузликлари ва вайронагарчиликлари» ҳақида жилд-жилд китоблар ёзган совет тарихнавислари юрт ўтмишининг залворли саҳифаларини келгуси авлодга етказишга ҳаракат қилган буюк шоир ва мутафаккирнинг соҳибқирон фаолияти ҳақидаги давр синовларидан ўтган теури фикр-мулоҳазаларига, афсуски, таянмаганлар. Улар коммунистик мафкура исканжасида қолиб, буюк мутафаккирнинг бу масалада қолдирган бебаҳо меросидан фойдаланмаганлар.

Амир Темур шахсияти ва давлатчилик фаолиятини таҳлил қилган Навоийнинг тарихий назари бу арбобнинг мустаҳкам давлат тuzуми ва адолатли қонусларига тушди. Шоир Амир Темурнинг тарихий фаолиятиндан ўз юртининг иқтисодий ва маданий тараққиётига хизмат қилган жиҳатларини излайди. Мовароуннаҳрни мўғул босқинчиларидан батамом озод этиш, унинг ҳарбий ва иқтисодий қувватини мустаҳкамлаш, савдо-сотиқни ривожлантириш, карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш, юртни обод қилиш, илм-фан, адабиёт ва санъати равнақига ҳомийлик қилиш — Амир Темурнинг бу хайрли ният ва амалий ишлари Навоий бадний ижодида ўзининг ҳаққоний аксини топган. Биргина мисол: машҳур олим ва давлат арбоби Мирзо Улугбек ҳақидаги сўзини шоир ўз замондошлари учун тушунарли, маъқул ва катта мақтовни ифодалайдиган «Темурбек наслидин» деган ибора билан бошлайди: Темурбек наслидин Мирзо Улугбек.

Алишер Навоийнинг машҳур давлат арбоблари ва саркардалар ҳақидаги теури фикр-мулоҳазалари муайян тарихий шароитда яшаб ном чиқарган шахслар фаолиятини ҳар томонлама чуқур идрок этиш маҳсулидир. Унинг тарихий арбоблар тўғрисидаги асосли, илмий мушоҳада ва хулосалари кейинги авлод муаррихларнинг бу мураккаб соҳадаги изланишлари учун мустаҳкам таянч ролинини ўйнади.

Шеъринат мулкининг султони ўзининг ўлмас «Хамса»сини тузиб бўлгач, насрий, тарихий асарлар ёзишга киришди. Бу соҳадаги меҳнатнинг дастлабки маҳсули «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам подшоҳлари тарихи») китоби бўлди. Шундан сўнг Навоийнинг яна бир нас-

рий асарни «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарни чиқди. Бу икки тарихий асар ҳар қайси мустақил аҳамиятга эгами ёки бири иккинчисини тўлдириб, унинг давоми сифатида қабул қилинганми?

Бу савол кўпдан бери навойшуносларни қизиқтириб келмоқда. «Муҳокамат ул-лугатайи»да шоир ёзди: «Бу «Хамса» шуглидин чун фароғат топибмен, тахайюлум гети навардши солатни тарихи даштига чопибмен (дунё кезувчи хаёллимни султонлар тарихи даштига юргуздим), чун нома саводи зулматидин «Зубдат ут-таворих» адосин тузупмен (тарих саҳифалари қоронғиллигини «Тарих хулосаси»ни чиқариб олдим) ва салотни ўлган отип бу ҳайвон сўйи била тирғузупмен»⁷.

Ёзувчи юқорида номланган икки асарини алоҳида тарзда бирор ўринда тилга олмайди. Келтирилган иқтибосдан муаллим «Тарихи мулуки Ажам» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо»ни умумлаштирган ҳолда «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи») номи билан юргизган, деган хулоса чиқариш мумкин. Бу фикрни Навойининг «Зубдат ут-таворих» деб аталган бошқа яхлит ҳолдаги асарининг йўқлиги ҳам тасдиқлайди.

Профессор Азиз Қаюмов «Тарихи мулуки Ажам» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо»га бир бутун асар сифатида қарайди. Ҳар иккаласи бир бўлиб яхлит асарни ташкил қиладилар. Шунинг учун ҳам бу яхлит асарнинг номи «Зубдат ут-таворих» бўлиши мумкин⁸. Алишер Навойининг «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи») асарини ёзиб тугатганлигини М. Имомназаров ҳам эътироф этади⁹. Қайд қилиш жоизки, ўзбек навойшунослигида «Тарихи мулуки Ажам»ни алоҳида мустақил асар деб ҳисоблайдиган фикр ҳам мавжуд.

Бу асарни ёзувчи муҳим ижтимоий-сиёсий мақсадларни кўзда тутиб ёзган. Унинг манбавий асоси анча кенг. Навой Эрон подшолари тарихига бағишлаган қатор тадқиқотларни Абулқосим Фирдавсий, Жалолоий, Табарий, Низомий Ганжавий, Муҳаммад Ғаззолий китобларида чуқур ва атрофлича ўргангани, уларга маълум маънода таянгани, шу билан бирга ўзининг муаррихлик маҳоратини намоён этиб, олдинги ёзилган асарлардаги айрим ноаниқ ва қарама-қаршиликларни тузатиш имкониятидан фойдаланади. Натижада Эрон подшоларига оид маълумотларни анча тартибга солиб, уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатига муносабатини белгилашга ҳаракат қилган. Ҳар бир подшоҳ мамлакатни қай усулда идора қилиши керак, у тарихда қандай ном, из қолдиради? Тарихда унинг ўрнини қандай иш ва хизматлари белгилаб беради? Муаллиф катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу савол ва муаммоларга жавоб излайди.

Алишер Навой тарихий қарашларининг муҳим қирраси шундаки, у жамият тараққиёти тарихида подшоҳ ва ҳукмдорларнинг уруш-

⁷ Алишер Навой. Асарлар. XIV жилд. Тошкент, 1967. 120-бет.

⁸ Қаюмов А. Нодир саҳифалар (Навойининг кам ўрганган баъзи асарлари тўғрисида). Тошкент, 1991. 42-бет.

⁹ Имомназаров М. Алишер Навой//Маънавият юлдузлари. Тошкент, 1999. 211-бет.

лари, бузгунчиликларни, кайф-сафоларни муҳим эмас, балки уларнинг мамлакатни адолат билан бошқариши, иқтисодиёт, илм ва маданиятга эътибор беришлари муҳимдир, деган гояни илгари суради. Муаррих томонидан масалага бундай ёндашув замонавий аҳамият касб этарди, чунки у темирийлар давлатида XV асрнинг иккинчи ярмида тож-тахт учун олиб борилаётган қонли уруш-жанжалларни кони зарар деб билар ва маҳаллий ҳукмдорларни аҳилликка, осойишталикка, мамлакат қудратини мустаҳкамлашга даъват этар эди.

«Тарихи мулуки Ажам»ни Алишер Навоий ўзбек тилида ёзди ва бу билан Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихшунослигида ўзбек тилида тарихий асарлар ёзиш анъанасини бошлаб берди. Навоийгача эски ўзбек тилида ҳеч ким тарихий китоб битмаган.

Урта асрларда кенг тарқалган анъана — анбиё ва ҳукамолар тўғрисида асар ёзиш одатига риоя қилиб, Алишер Навоий ўз баракали ижодининг сўнгги босқичларида шу мавзуга атаб насрий асар ёзди. Шоир ва ёзувчи «Тарихи мулуки Ажам» учун қадимги манбалардан ҳукмдорлар тарихига доир фактларни тўплаган бўлса, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарига бу манбалардан дин ва илм тарихига онд маълумотларни киритган.

Асар икки қисмдан иборат бўлиб, бошда пайғамбарлар ҳаётига онд воқеалар баён этилса, теранроқ илмий аҳамиятга эга бўлган «Ҳукамо зикрида» қисмида буюк файласуф, донишмандлар тўғрисида маълумот келтирилади. Жумладан, Фишогурс, Буқрот, Суқрот, Афлотун, Аристотель, Балинос, Жоллинос каби донишмандларга қисқача характеристика берилган. Улар кимнинг даврида яшаганлиги, кимнинг шогирди эканлиги айтилиб, фанга қўшган ҳиссаси кўрсатилган. Навоийшунослар томонидан тўғри таъкидланганидек, фикр дунёси кенг ва мушоҳада қуввати забардаст шоирнинг пайғамбарлар ва ҳукамо тўғрисидаги маълумотларнинг бир асар ичида бериши бежиз эмас, албатта. Бутун ҳаёти давомида илм аҳлини қўллаб-қувватлаб, қадрлаб келган Алишер Навоий бу услуб билан илм аҳлини анбиёлар каби улуғлашнинг намойиши этган.

Алишер Навоий тарихий қарашларининг ривожланиши жараёнига унинг мемуар (хотира) жанрида ёзган асарлари қўшимча чизгилар беради. Бу ўрнида шоирнинг Сайид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадларга бағишланган икки «Ҳолот» (таржиман ҳол)ини кўрсатиш жоиздир.

Биографик характердаги бу асарлар шоир яшаган давр, унинг замондошлари, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт воқеалари ҳақидаги маълумотлар билан қимматли.

Навоий ҳали йигитлик йилларида ўзининг маслақдоши, кўзга кўринган шоир ва мутафаккир Сайид Ҳасан Ардашерга 256 мисрадан иборат шеърин мактуб ёзиб, унда давр носозликлари, оғир ижтимоий шароитни кўрсатиб берган. Ўз даврига айбнома даражасига кўтарилган бу тарихий ҳужжат Алишер Навоийнинг муаррихлик маҳоратидан дарак беради. Уни таҳлил қилган танқили навоийшунос А. Ҳайитметов шундай хулосалар қилади: «Ҳеч бир сиёсий арбоб ё шоир ёки тарихчи ўша даврга бунчалик тўғри танқидий кўз билан

қараб, яшаб турган жамиятнинг иллатларини бунчалик поэтик эҳтирос ва ҳаққоният билан очиб ташламаган эди»¹⁰. «Навоий ўзининг бу асарин билан ўзбек адабиёти тарихида социал мавзудаги йирик поэтик жапрга биринчи ғишт қўйдн»¹¹.

1492 йилда шоирнинг ҳамфикр дўсти, маслакдоши ва устози Абдурахмон Жомий вафот этади. Чуқур қайғуга ботган Навоий унга атаб беш қисмдан иборат «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат») асарини ёзиб, унинг муқаддимасида А. Жомийнинг пасаби, тугилиши, билим олиши, шоир ва олим бўлиб етишувини ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. Алишер Навоий томонидан 1481 йилда ёзилган «Вақфия» асарининг тарихий характерга эга эканлигини ҳам қайд қилиб ўтиш лозим.

Ниҳоят, Навоий яна бир дўсти, давлат арбоби ва шоир, Ҳирот ҳукмдори Хусайн Бойқаро тарихини ёзинини шият қилган эди. Шу ўйлаган асарининг бир қисми сифатида «Мажолис ул-нафонс»ни ёзиб, унда Хусайн Бойқаронинг туғилган кунидан бошлаб, то китоб ёзилган 1490—1491 йилларгача ўтган давр ичида ижод қилган 459 шоир, олим ва адиблар ҳақида маълумот беради. Бироқ кейинчалик Навоий ва Бойқаронинг ўзаро муносабатларидаги ўзгаришлар шоир ва тарихчига ҳукмдорнинг «туғилган кунидан то бу дамгача» тарихини ёзиш режасининг амалга ошмай қолиб кетишига сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий нафақат буюк шоир, ёзувчи, маърифатпарвар, балки ўз замонасининг забардаст муаррихи бўлиб гавдаланади. Навоий ўзи яшаган XV асргача яратилган жамини қимматли тарихий манбаларини сиичковлик билан ўрганиб, таҳлил қилиб, тарих ҳақиқатини излаган олимдир. Унинг қатор достонлари тарихийлик руҳи билан сўғорилган бўлиб, уларда ўтмиш воқеа ва ҳодисалар тарихий шахслар фаолияти бадний воситаларда, тарихий ҳақиқатга мос тарзда ифодалаб берилган. Бу билан чекланмасдан, олим ва мутафаккир оригинал тарихий асарлар яратиб, Шарқ тарихнавислигини подир ёдгорликлар билан бойитди.

¹⁰ Ўзбек адабиёти тарихи. II жилд. Тошкент, 1978. 163-бет.

¹¹ Уша жойда. 167-бет.

Тарихга янги нигоҳ

Жалолиддин Мирзо

ТЕРМИЗ САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИДА

X асрда Балхаш қўлининг жанубидан Қўйи Волгагача бўлган ҳудудда туркий халқларнинг ўғиз қавми яшар эди. Бу қавм қўллаб қабила ва уруғларга бўлинган ўғизларнинг қишлоқ уруғидан чиққан Салжуқ исмли шахс катта ҳарбий куч бошлиғи даражасига эришди. X асрнинг ўрталарида Салжуқ ўз тарафдорлари билан Сирдарёнинг ўрта оқимларини тарқ этиб, дарёнинг қўйи оқими чап қирғоғида жойлашган Жанд вилоятида ўрнашди. Улар Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётига сомонийлар тарафдори сифатида фаол аралашиб туришди. Натихада, аста-секинлик билан Мовароуннаҳр дашт ва яйловларини эгалладилар. 1025 йилда эса Маҳмуд Газнавийнинг розилиғи билан Салжуқийлардан 1000 оила Хуросоннинг Сарахс, Фарова, Обивард атрофларидаги яйловларга жойлашдилар. Салжуқийларнинг мавжуд шарт-шаронтлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга қаратилган ҳаракатлари Газнавийлар давлатининг манфаатларига зид келар эди. Бу зиддиятлар ўзаро шиозларни кучайтириб, қуролини туқнашувларга сабаб бўлди. 1041 йилда Дандоинкон ёнидаги жангда Салжуқийлар Газнавийларни мағлубиятга учратди. Салжуқининг невараси Тугрулбек (1038—1063) Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинди. Салжуқийлар Хуросон ва Хоразмни бўйсундириб (1011—1038), Фарбий Эронни, Озарбайжонни, Ироқни (1012—1055) босиб олдилар. Халифа ал-Қонм (1031—1075) Тугрулбекни султон ҳамда «Шарқ ва Ғарб подшоҳи» деб таъ олдишга мажбур бўлди. Тугрулбек Райини, унинг укаси Чағрибек Довуд Марвни ўзларига пойтахт қилиб олишди¹.

Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларидан бўлган Термиз XI асрнинг биринчи ярмида Газнавийлар давлати таркибига кирарди. Газнавийлар сулоласининг поибни Амирак Байҳақи лақабли Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ўн беш йил мобайнида Термизни Салжуқийлардан ҳимоя қилади². Чағрибек Довуд ўғли Алп-Арслон билан Термизга бораётиб, Байҳақига хат йўллайдди ва унга вазирлик мансабини ваъда қилади. Қаршилик кўрсатиш ва Газнавийлардан ёрдам кутишнинг бефойда эканлигини ўқтиради³. Шаронтдан келиб чиқиб, Байҳақи таслим бўлади. Лекин, Салжуқийларга хизмат қилишдан бош тортиб, Байҳақи

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.

² Абу-л-Файз Байҳақи. История Маъсула. М.: Изд. А. Х. Арндса. 1969.

С. 94

³ Садр ад-дин али ал-Хусайни. Ахбор ад-даулат ас-Селджукийя. М., 1980. С. 43.

Газнага қайтади. Шу тариқа Термиз Салжуқийлар тасарруфига ўтади. Бу воқеа Маҳмуд Газнавий вафотигача, яъни 1048 йилгача содир бўлган. Маҳмуд 1048 йилда Термизни қайтариб олиш учун юришга чиққанда вафот этади. Чағрибек Довуд Балх, Термиз ва атрофдаги мулкларни қўлга киритгач, уларга ўғли Алп-Арслонни ҳукмдор қилиб тайинлайди. Манбаларда ёзилишича унинг вазирин Абу Али ибн Шазак бу ҳудудларда ободончилик ишларини амалга оширган⁴.

Салжуқийлар давлати қанчалик кучли бўлмасин, унда беқарор сиёсий вазият ҳукм сурди. Бу ҳол унинг таркибдаги ҳудудлар тақдирига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Салжуқийларнинг Марказий Осиёдаги асосий рақиблари — шимолдан Қорахонийлар, жанубдан Газнавийлар доимо Термизга таҳдид солиб турарди. XI аср ўрталарида Қорахонийлар ҳукмдори Табғачхон Иброҳим ибн Наср қисқа вақт оралиғида Термизни эгаллади⁵. Бироқ, Алп-Арслон тезда шаҳарни Салжуқийлар тасарруфига қайтариб олади.

1063 йилда Тугрулбек вафотидан кейин, Алп-Арслон Салжуқийлар салтанатининг бош ҳукмдори бўлиб қолди. Унинг даврида Салжуқийлар Арманистонни босиб олиб, Кичик Осиёга кира бошлашди. Алп-Арслон Термизни укаси Илёёга топширди. 1072 йилда Шамс ал-Мулк Қорахоний Алп-Арслоннинг вафотидан фойдаланиб, Термизни эгаллади. Алп-Арслоннинг ўғли Аёз Термизни қайтариб олишга уриниб кўрди. Лекин, 1073 йил 1 февралда бўлиб ўтган жангда мағлубиятга учради. Ун мнинг отлиқининг бир қисmini қириб ташланди, қатта қисmini Амударёга чўктирилди. Шамс ал-Мулк укаси Бугатегин Хидрин Термизга юбориб, ўзи Салжуқийларга қарши урушга тайёрланди⁶. Алп-Арслоннинг ўрнига Салжуқийларнинг бош ҳукмдорига айланган султон Маликшоҳга мактуб юборилиб, Термизнинг Мовароуннаҳр ҳудуди таркибига киришгани, шунинг учун Қорахонийлар вақили бошқариши мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди. Эндиғина ҳокимият тепасига келган Маликшоҳ Термизни қайтариб олишга қаттиқ киринди. 1074 йил кўзида у машҳур вазир Низом-ул-мулк ҳамроҳлигида Термизни қамал қилади. Султон қўшинлари хандакларни тўлдириб, қалъа деворларин олдинга тошотар қурол манжаниқларини келтиришади. Натнжада шаҳар аҳолиси таслим бўлиб, раҳм-шафқат сўрайди. Маликшоҳ аҳолига омонлик берган бўлса-да, жангдан кейин қалъанинг аҳолиси асирга олинади. Маликшоҳнинг буйруғи билан лашкарбоши Советегин раҳбарлигида қалъани таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Қалъа деворлари мустаҳкамланиб, пиниқ ғиштлар билан қопланади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Шамс ал-Мулк Термизни яна қисқа фурсатда эгаллайди, бироқ у Салжуқийлар билан бўлган жангда мағлубиятга учрайди⁷.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Кочнев Б. Д. Заметки по средневековой нумизматике Средней Азии. Ч. II (Караханиды)//ИМКУ. Вып. 15. 1979.

⁶ Садр ад-дин али ал-Хусайни. Ахбор ад-даулат ас-Селджукнийа. С. 66.

⁷ Там же. С. 69.

Мана шундай беқарор вазиятда Салжуқийлар Қичик Осиёни, Сурия ва Фаластинни босиб олдилар. Туркистон, Ширван ва Мовароуннаҳр ҳукмдорларини ўзларининг вассалларига айлантирдилар. Маликшоҳ ҳукмронлиги йилларида Салжуқийлар салтанати Осиёдаги барча мусулмон мамлакатларида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Эпиделикда Салжуқийлар учун асосий муаммо ички зиддиятларни бар-тараф этishi бўлиб қолганди. Термиз эса, ички пиёдаларнинг марказига айланганди. Қандай исён бўлмасин, мухолиф Термизни қўлга киритишга ҳаракат қиларди.

1080—1081 йилларда Термизда Маликшоҳга қарши исён кўтарилиб, шаҳар унинг укаси Текеш қўлга ўтди. Бироқ, Маликшоҳ яна бир бора Термизни қайтариб олди. 1094 йилда Алп-Арслоннинг ўғли Арслон Аргун Хуросон ҳукмдорлигини талаб қилиб, Маликшоҳ ўрнига бўлган Султон Беркёрукқа қарши исён кўтарди. У Балх, Термиз ва бошқа жойларни эгаллаб олди. Султон Арслон Аргунга қарши унинг укаси Бўрибарсни юборди. Бир неча тўқнашувлардан сўнг 1095 йилда Бўрибарсе мағлубиятга учради. У асирга тушиб, бир йил Термизда қамокда сақланди, кейин эса бўғиб ўлдирилди. 1096 йилда Арслон Аргун ўз ғуломн томонидан ўлдирилгач, Термиз Беркёрук қўлга ўтди.

Ҳаким ат-Термизий мақбараси ёзувларида Султон Абу-л-Музаффар Аҳмад Тпага-тегин номи қайд қилинган. Академик М. Е. Массон уни Қорахоний ҳукмдорларидан Аҳмад ибн Хизр деб ҳисоблаб, Термиз XI асрнинг охириларида Қорахонийлар тасарруфига ўтганини тўғрисида хулоса қилади⁸. Айрим олимлар бу ёзув Аҳмад ибн Хизрга тааллуқли бўлиши мумкин эмас, деган фикрini билдирадилар. Ёзма манбаларда ҳозиргача бу тўғрида маълумот топилмаган. 1102 йилда Қорахонийлардан Қодирхон Жабронл Термизни эгаллаган, бироқ шу йилнинг ўзидаёқ мағлубиятга учраб, шаҳарни Салжуқийларга топширган. Арслон Аргун исбни бостирилганидан 1102 йилгача Термизда қандай воқеалар содир бўлгани тўғрисида хабардор эмасмиз. Бу даврда шаҳарнинг Қорахонийлар қўлида бўлиши, унда катта бир мақбаранинг қурилиши ҳақиқатдан йнроқ бўлиши керак.

Академик М. Е. Массоннинг бошқа бир фарази, Термизда XII асрнинг 20—30 йилларида Ғазнавийлар сулоласидан Баҳромшоҳнинг ҳукмдорлик қилиши, билвосита исботланади⁹. 1071 йилда Султон Маликшоҳ Ғазна ҳукмдори Иброҳим билан қуда бўлади. Маликшоҳнинг кизи Гавҳар Малик Иброҳим Ғазнавийнинг ўғли Маъсудга унаштирилади. 1118 йилдан ҳокимият тепасига келган Султон Санжар опасининг ўғли Баҳромшоҳга доимо ёрдам бериб келган. Шунинг учун ҳам, Ғазнавийлар сулоласи учун муқаддас шаҳар ҳисобланган Термизнинг Баҳромшоҳга берилиши эҳтимождан ҳоли эмас.

1118 йилда Салжуқийлар салтанати амалда парчаланиб кетди. Хуросон, Сенстон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда Маликшоҳнинг ўғли

⁸ Массон М. Е. Надпись на штурге из археологического ансамбля мавзолея Хаким ат-Термизий//Тр. ТашГУ. 1960. С. 87.

⁹ Там же.

Султон Санжар ҳукмронлик қилди. Унинг пойтахти Марв бўлса-да, оғир дамларда Султон Санжар доимо Термиздан наҳот топар эди.

1141 йилда Мовароуннаҳрга шарқдан қорахитойлар бостириб кирди. Самарқанд яқинидаги Катвон чўлида 1141 йилнинг 9 сентябрида қорахитойлар билан Салжуқийлар ва Қорахонийларнинг бирлашган қўшинлари ўртасида жанг бўлди. Унда қорахитойлар ғалаба қилиб, Марказий Осиёдаги сиёсий кучлар мувозанатини ўзгартириб юборди. Султон Санжар Термизга қочди¹⁰. Фурсатдан фойдаланиб, Хоразмшоҳ Алоуддин Отсиз ўзининг ҳокимиятини мустаҳкамлаб олишга ҳаракат қилди. Султон Санжар қайтадан Хоразмни буйсундиришга мажбур бўлди. У Хоразмшоҳга элчи сифатида Адиб Собир Термизийни юборди. Жувайинининг ҳикоя қилишича, Адиб Собир Термизий Хоразмшоҳнинг Санжарни ўлдирish учун Марвга иккита қотил юборганигини билиб қолади. Ўз вақтида хабар топган Султон Санжар омон қолади. Лекин Алоуддин Отсиз Адиб Собир Термизийни Амударёга чўктиради¹¹.

1095—1172 йилларда яшаб, ижод қилган Авҳадуддин Али Анварий қасидаларида Термиз ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Шоир 1152 йилда Термизда етти ой яшайди. У кемада шаҳарга келиб, теварак-атрофдаги ободончиликдан ҳайратда қолади¹². Термизни жаннат билан қиёслаб, Анварий шаҳар ҳокими Имомиддин Фирӯзшоҳ ҳақида маълумот беради. Унга кўра, ҳоким Термиз саййидларидан бўлиб, «Одил» лақаби билан машҳур бўлган¹³.

1153 йилда Балх ҳудудидаги ўғиз қабилалари ғалаён кўтариб, Султон Санжар қўшинларини тор-мор қилди, унинг ўзини асирга олишди. Уч йил мобайнида Султон Санжар ўғиз амирлари тутқинлигида бўлди. 1156 йил баҳорида Санжар асирликдан Термизга қочади. Тарихчилар султоннинг асирликдан озод қилинишини унинг мулозимларидан Муаййад Ай Або ёки Имомиддин Аҳмад ибн Бакр Кумач ҳаракатлари билан бэглайдилар. Бу воқеа ҳақида батафсил ҳикоя қиладиган Раваддиннинг таъкидлашича, Муаййад Ай Або ўғиз қўриқчиларидан бир қисминини сотиб олади. Уларнинг қўриқлаш навбати келганда Амударё бўйида Термиз қаршисида ов ташкил қилинади. Муаййад Ай Або султонни келишилган жойда минг отлик билан кутиб туради. Султон Санжар эсон-омон Термизга етиб келади. Бир қатор тарихчилар, жумладан, Жувайини, Равадди, Вотвот Оқсаройли Термизнинг Хуросон пойтахтига айланганлигини ёзадилар¹⁴. Султон Санжар Термиздан туриб, барча ҳукмдорларга унга келиб қўшилишни даъват қилиб мурожаат қилади. Лекин, Султон Санжар режала-

¹⁰ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Собр. соч. Т. I. М., 1963. С. 321.

¹¹ Абдуллаев А. Адиб Собир Термиз. Душанбе, 1964. 233-бет.

¹² Адабиётни форси-тожик дар асрҳои XII—XIV. Қисми якум. Душанбе, 1976. 104-бет.

¹³ Абдуллаев А. Шоир Анварий ва Термиз//Сурхон тонги. 28 октябр, 2000 йил.

¹⁴ Агаджанов С. Г. Государство Сельджукидов в Средня Азия в XI—XII вв. М., 1991. С. 181.

рининг амалга оширига Термизда рўй берган воқеалар тўсқинлик қилди. Чунки, Термизда йиғилган Султон Санжар мулозимлари ўрта-санда жиддий зиддиятлар бор эди. Муаййад Ал Або билан Имомиддин Абу-л-Фатҳ Аҳмад ибн Алоуддин Абу Бакр ибн Кумач ва Кай Або ал-Кумач ўрталарида азалий адоват мавжуд эди. Муаййад Ал Або Кай Або ал-Кумачни меҳмонга — мажлис аш-шаробга чақириб, нарда ўйнаб турганда ўлдирди. Бундан хабар топган Имомиддин ўзининг одамлари билан Санжар саройига бостириб кириб, унинг айбларидан бир қисmini ўлдириб, қалъа дарвозаларини бекитади. Санжар томонидан Саганнингга юборилган Муаййад Ал Або қайтиб қалъани қамал қилди. Охир-оқибатда томонлар битимга келишади. Унга кўра, Имомиддин Санжарни қўйиб юборди ва у Марвга кетади. Кўп ўтмай, 1157 йил апрелида Султон Санжар вафот эди. Натн-жада, амалда 1153 йилда тугатилган Шарқий Салжуклар давлати расман барҳам топди.

Султон Санжар вафотидан кейин ҳам, у билан боғлиқ воқеалар давом этди. 1158 йил августда Хутталон ҳукмдори Абу Шужоъ Фарруҳшоҳ Термизни қўришди. Фарруҳшоҳ Термизга гўёки Султон Санжарнинг давлатига биноан келаётган эди. Султон Санжар ўзига қарам ҳукмдорларни ўғизларга қарши курашга чорлаганда, Фарруҳшоҳ қўшин йиғиб, воқеалар қандай ривожланишини кузатиб турди. Санжар вафот этгач, Фарруҳшоҳ Термизни эгаллашга ҳаракат қилди. Термиз ҳукмдори Фарруҳшоҳни жангда мағлубиятга учратиб, орқага қайтишга мажбур қилди¹⁵.

Салжуқийлар салтанатининг ижтимоий-сиёсий марказларидан бирига айланган Термиз XI—XII асрларда тараққиётининг мисли кўрилмаган даражасига эришди. Шаҳар ҳудудининг ўсиши, кўплаб обидаларнинг қад кўтариши, қолаверса, йirik ааломаларнинг фаолияти бунинг далолатидир. Салжуқийлар сулоласи билан ҳаёти ва фаолияти боғланган Катрон ибн Мансур Термизий, Аднб Собир Термизий, Абу Музаффар Термизийлар шулар жумласидандир.

Салжуқийлар ҳукмронлиги Марказий Осиёда барҳам топганиги билан уларнинг Термиз билан алоқаси ўзилади. Салжуқийларнинг олмиги давлати Куния султонлиги 1307 йилгача Кичик Осиёда сақланиб қолди. Термиз саййидларидан «Саййиди сирдон» лақабини олган Бурҳониддин Муҳаққик ўзининг катта қисmini Куния султонлигида ўтказди. Салжуқий Шамсиддин Исфохоний унинг муриди бўлган¹⁶. Саййидининг бошқа муриди Жалозиддин Румий Кунияда дастлабки такияни — суфийларнинг маконини қурган ҳисобланади¹⁷. Куниядаги Мавлона такияси XIII—XIV асрда қурилган ҳисобланади¹⁸. Шу нуқтан назардан олганда, дастлабки такия Термиз ҳудудида қурилганлиги, кейинчалик эса Кунияда давом эттирилганлиги эҳтимолдан ўзоқ эмас.

¹⁵ Материалы по истории туркмен и Туркмении. М., 1939. С. 142.

¹⁶ Islam Ensklopediyasi. Istanbul, 1974, Cild 12/1. S. 389—390.

¹⁷ Суфизм. М., 1989. С. 211.

¹⁸ Археолог, т. ф. и. Т. Аншаевнинг маълумоти.

Қандай бўлмасин, Саййид Бурҳониддиннинг Қайсариядаги қабрининг ҳам, Жарқўрғон минораси ва бошқа куллаб обидаларнинг ҳам, тарихий воқеалар ва улуғ сиймоларнинг ҳам гувоҳлик беришларича, Термиз ва термизийлар Салжукқийлар давлатида ўзларининг эътиборли ўрнларига эга бўлганлар.

Азамат Зиё

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА АЁЛ МАВҚЕИ

(Сароймулкхоним ҳаёти ва фаолияти)

Ўзбек давлатчилиги тарихида яққол кўзга ташланадиган жиҳатлардан бири аёллар орасидан етишиб чиққан арбобларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларда тўтган фаол ўрни билан белгиланади. Темури хотун (Тумарис), Қабач хотун, «Тағшоданинг онаси»¹, Сароймулкхоним, Гавҳаршодбегим, Гулбадабегим, Нодирабегим каби қатор тарихий шахсларнинг ўз вақтида мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида эгаллаган мавқеи ўзига хос бўлса-да, уларнинг барини бирлаштириб турадиган бир омил бор. У ҳам бўлса, улар шу юрт, шу эл хизматида яшаганлар.

Сароймулкхоним номини тилга олганида, кўз ўнгимизда, бир томондан, буюк Амир Темурнинг жуфтин ҳалоли гавдаланса, иккинчи томондан, давлат ва жамият ишларида арбоблик даражасига юксалган, ҳар қандай эркак сиёсатчи ҳавас қилса арзигудай доно ва тadbиркор аёл намоён бўлади.

XIV аср ўрталари мамлакатимиз тарихидаги энг мураккаб паллалардан бири ҳисобланади. Ушбу давр юз йилдан ортиқ вақт мобайнида чуқурилиб келаётган чингизийлар ҳукмронлиги, вилоят бекалари ўртасидаги қарама-қаршиликлар, маҳаллий ва ҳукмрон кучлараро зиддиятлар халқнинг ташқисини қуритганлиги, юрт равнақда анча оқсаб қолганлиги билан баҳоланса, тўғри бўлади. Тақдир тақозоси билан айнан шу йилларда пафақат бизнинг, балки жаҳон халқлари тарихида юксак мақом касб этган икки буюк шахс — Амир Темур ва Сароймулкхоним дунёга келганлар.

Мавжуд барча адабиётларда² Сароймулкхоним туғилган сана сифатида 1341 йил эътироф этиб келинган. Бунда Абдураззоқ Самарқандийнинг, Қозон султон ўлими юз берган йилда (747/1347) унинг қиз Сароймулкхоним беш ёшда эди, гувоҳлиги асос қилиб олинган³. Бошқача айтганда, мазкур маълумот шу чоққача ягона ҳисобланиб келинган. Бироқ яна бир муътабар тарихчилардан Ҳофиз Аbru ушбу масалада ўзгача далолат қолдирган. Чунончи 747/1347 йил воқеала-

¹ Наршахийнинг гувоҳлик беришича, 680—695-йиллари Бухорони малика бошқарган. Унинг исми помалум бўлган учун ўгли Тағшода номдан келиб чиқиб тарихшуносликда Тағшоданинг онаси атамаси шартли равишда қабул қилинган (*Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент: Мерос. 1991. 92—93-бетлар*).

² *Қаранг: Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Тошкент. 1995. 54-бет; Бартольд В. В. Сочинения. Т. II (2). М., 1964. С. 47.*

³ *Бартольд В. В. Сочинения. Т. II (2). С. 47.*

ри ҳақида сўз юритиб, «Сароймулкхоним мазкур санада ўн ёшга тўлган эди», деб ёзади⁴. Бир оз юқорироқда ушбу йил воқеалари баёнига киришар экан, муаллиф «шу йилда соҳибқирон Амир Темур кўрагонини муборак ёши ўндан ўтган эди», дея алоҳида таъкидлаб ҳам қўяди⁵. Демак, Ҳофиз Абрўга кўра, 747-ҳижрий йилда Амир Темур ўн ёшдан ўтиб, ўн бирга қадам қўйган, Сароймулкхоним эса энди ўн ёшга тўлган бўлган. Бундан чиқди, Сароймулкхонимнинг таваллуд санаси 737/1337 йилга тўғри келади.

Ҳофиз Абрў гувоҳликларининг Абдураззоқ Самарқандий қолдирган маълумотлардан ишончлироқ эканига эса шубҳа қилмас ҳам бўлади. Zero, биринчидан, Ҳофиз Абрў (1430 йили вафот этган) Амир Темурнинг замондоши бўлган. Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482) эса ўз фаолиятини XV асрнинг 40-йилларига бориб бошлаган⁶. Иккинчидан, Абдураззоқ Самарқандийнинг Сароймулкхоним таваллудига онд энкр этилган маълумотлари ҳам аке этган. 1467—1469 йилларда битилган «Матлан савъайн ва мажман баҳрайн» асарининг 1427 йилга қадар воқеаларга бағишланган қисми тулалигича айнан Ҳофиз Абрўнинг 1423—1425 йилларда битилган «Мажмуа ат-таворих» («Зубдат ат-таворих») асарига суяшиб ёзилгани ҳам маълум⁷. Хулоса қилганда, Амир Темур ва Сароймулкхоним ёшлари орасидаги фарқ бир йилни ташкил этади.

Сароймулкхоним Қозон султонининг⁸ амир Мусабекнинг эгачиси⁹ билан никоҳидан туғилган. Қозон султон 14 йил (733/1333—747/1347) Мовароуннаҳр тахтини бошқарган чингизий намояндалардандир¹⁰. Мазкур йиллар давомида у Қарохожадан (Шарқий Туркистон) Дашти қилчоққача, Хуросондан Синд дарёсига қадар ҳудудни ўз қўл остида бирлаштиришига эришган¹¹. Уша замон тарихчилари гувоҳлик беришларича, Қозон султон шу даражада мутакаббир ва қаҳри қаттиқ ҳукмдор бўлганки, бирон бир киши унинг ҳузурига арз билан келишга қўрққан. Чунки ғазабн тутиб турган дамларда арз-дод билан бош уриб келганларининг ҳар иккисини — арзчинин ҳам, айбдорин ҳам жазога тортиб юборини ҳеч гап эмас экан. Шунинг учун бўлса керак, Қозон султон талаби билан қароргоҳга чақирилган амирлар ҳар эҳтимолга қарши яқинлари билан видолашиб, кейин йўлга чиқар

⁴ Nizāmiddīn Samī. Zafarname. Praha. 1956. Vol. II. P. 9.

⁵ Уша жойда, 8-бет.

⁶ Қорая: Абдураззоқ Самарқандий. Матлан савъайн ва мажман баҳрайн. Тошкент, 1969. 14—18-бетлар.

⁷ Уша жойда, б. 7-бетлар.

⁸ Ҳофиз Абрў буйича: Қозон султон б. Малик Темур б. Тўқай Темур б. Қалон Сижон б. Бўри б. Мавотукон б. Чигатой б. Чингизхон (Zafarname. Vol. II. P. 6); Ниғомиддин Шозий буйича: Қозон султон б. Ясагур (Zafarname. Vol. I. P. 13); Шарафиддин Али Яздий буйича: Қозон султон б. Ясагур (Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1972. 91б-варақ); Муъиниддин Натанзий буйича: Қозон султон б. Жингизин султон б. Дува б. Қайдо Сижон (Муъиниддин Натанзий. Мунтахаб ат-таворих. Теҳрон, 1336 х. й. 106, 112—113-бетлар).

⁹ Зафарнома. 145б-варақ.

¹⁰ Зафарнома. 91б-варақ. Муъиниддин Натанзий буйича 17 йил (Мунтахаб ат-таворих. 113-бет).

¹¹ Zafarname. Vol. II. P. 6; Мунтахаб ат-таворих. 199-бет.

эканлар¹². Бундай снѣсат 746/1346 йили нуфузли амирлардан Қазағон ва Қозон султон ўртасида нифоқ чиқишига олиб келади. Хукмдор ва маҳаллий амирлар орасидаги таранг муносабатлардан яхши хабардор Қазағон уларнинг баъзиларини ўзига оғдира бошлайди¹³. Аммо Чингизхон ўриятиб кетган тахт ворислиги қонуи-қондаларига қаттиқ риоя қиладиган мўғул амирлари, умуман рози бўлган ҳолда, Қозон султони тахтдан ағдариб тadbрига чингизийлар хонадонидан бир пешво зарурлигини шарт қилиб қўйганлар. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб амир Қазағон шундай вақилли топади ҳам, улар Донишмандча б. Хиндухон б. Бўрихон б. Малик б. Уктой б. Чингизхон¹⁴. Шундан сўнг 746/1346 йили Сурхон воҳасининг Дарайи Занг қишлоғи яқинидаги ялангликда икки томон ўртасидаги биринчи туқнашув юз беради. Бу сафар Қозон султоннинг қўли баланд келиб, амир Қазағон кўзидан яраланadi. Хукмдор қишини ўтказиш учун Қаршини танлайди. Шу йили қиш жуда қаттиқ келиб Қозон султон лашкарисидаги кўплаб от-уловлар пубуд бўлганидан хабар топган амир Қазағон фурсатни қўлдан бермай 747/1347 йили Қаршига юзланади ва Қозон султон лашкарини мағлуб этиб, ўзини ўлдирadi. Хукмдорнинг умр йўлдоши Турмуш хотун амир Муҳаммадхожа ҳарамига ўтади, қизи Сароймулкхоним эса айтилганидек, бу вақтда ўн ёшда эди¹⁵.

Шу воқеалардан сўнг то 1370 йилга қадар Сароймулкхонимнинг тақдири қандай кечгани борасида маълумотлар ҳозирча ихтиёримизда йўқ. 771/1370 йили Амир Темурнинг Балхни забт этиб, рақиб амир Ҳусайини узиб-кесиб енгизиш билан боғлиқ воқеалар баёнида соҳибқироннинг «амир Ҳусайн хотинларидан Қозон султоннинг қизи Сароймулкхоним, Баён сулдузининг қизи Улус Оғо, Ҳизр ясавурийнинг қизи Ислом Оғо ҳамда Тағой Туркон хотунини» ўз ҳарамига олгани ҳақида айтилган¹⁶. Демак, шу йиллар орасида амир Қазағоннинг набираси амир Ҳусайн б. Мусалло Сароймулкхонимга уйланган бўлган. Мазкур никоҳдан фарзандлар бўлгани ё йўқлиги ҳақида ҳам биз билган манбаларда маълумот учрамайди. Аммо амир Ҳусайиннинг Хонд Саъид, Наврўз Султон (ҳар иккови ҳам 1370 йили Балх жангида ўлдирилган), Жаҳон Малик ва Халил Султон (1370 йили Ҳиндистонга қочиб, ўша ерларда дом-дараксиз йўқ бўлиб кетганлар) номли ўғиллари, бир қизи (Амир Темур харбийларидан Тобон баҳодирнинг укаси Элчи Буғо никоҳига кирган) бўлгани маълум¹⁷. Бироқ уларнинг оналари кимлиги ҳақида аниқлик йўқ.

¹² Zafarname. Vol. II. P. 6; Мунтахаб ат-таворих. 113-бет; Зафарнома. 916 ва рақ.

¹³ Зафарнома. 916 ва рақ; Мунтахаб ат-таворих. 199-бет; Ҳофиз Аbruнинг ёзишича, Қазағон мамлакат амирлари билан яккама-якка учрашиб, агар бугун бирлашмасак, эртага Қозон султон ҳар биримизни бирма-бир йўқ қилади, дея уларни ўз атрофига тўплай бошлаган (Zafarname. Vol. II. P. 7).

¹⁴ Zafarname. Vol. II. P. 7; Муъиниддин Натанзий бўйича; Донишмандча б. Жинкаши (Мунтахаб ат-таворих. 113-бет).

¹⁵ Zafarname. Vol. II. P. 8—9; Зафарнома. 916 ва рақ; Мунтахаб ат-таворих. 113, 199-бетлар.

¹⁶ Зафарнома. 139а ва рақ.

¹⁷ Зафарнома. 139а ва рақ; Zafarname. Vol. I. P. 60.

1404 йили Самарқандда бўлиб ўтган тadbирлардан бирида Сароймулкхонимни қузатиш имконига эга бўлган испаниялик элчи Рун Гонсалес де Клавихо уни шундай таърифлайди: «(Сароймулкхоним) зарбон, узун, этаклари кенгайиб бориб, ерни ўпадиған, енгиз қизил ипак кўйлақда эди. Унинг этагини ўн беш нафар аёл кутариб келарди. Ёгуна билан пардозланган юзи қоғоздек олоқ эди. (Бу мамлакатдаги) барча асзода аёллар ёз ё киш ойларида йўлга отланганларида ҳамма (умуман) қуёш нурларидан сақланиш учун ушбу ёгунани юзларига суриб юрадилар. Сароймулкхонимнинг юзи оппоқ ҳарир тўр билан тўсилган, бошига эса қизил матодан қалпоқ кийган бўлиб, ундан елкасига ёнингич тушиб турарди. Қалпоқ шакли баланд, жуда кўйлаб йирик, ярқираб турувчи, чиройли ҳалқаланган думалоқ марварид, талайгина ёқут, феруза ва бошқа турли-туман қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Сароймулкхоним елкасидаги ёнингич зардан тўқилган бўлиб, қалпоқнинг чуққисидан кўйлаб қимматбаҳо тошлар ва катта марварид билан зийнатланган тож кўрк бағишлар, унга эса ёрқин, ва инҳоятда гўзал, икки бармоқ қалинлигидаги ёқутдан учтаси ўрнатилган эди. Уларнинг орасига маҳкамланган тирсак узунлигидаги жиганнинг парларидан баъзилари нагга ёнгилб турарди. Ушбу парлар учдаги парпоуклар қимматбаҳо тошлар ва марварид билан безатилган тилла чилвир билан бир-биринга боғланганди. Сароймулкхонимнинг қоп-қора сочлари елкасига тушиб турарди. Унинг бошидаги қалпоғини кўйлаб асзода аёллар кўйллари билан тутиб турардилар. Ҳаммаси бўлиб, Сароймулкхонимни тахминан уч юз нафар аёл қузатиб келарди»¹⁸. Мана шундай салобат билан Сароймулкхоним Амир Темур ҳузурига кириб келади ва ҳукмдор ёнидан, бир оз настроқдаги тахдан жой олади. Шундан сўнг, деб ёзади Клавихо, Тўқал хоним ва бошқа маликалар ҳозир бўлдилар ва ўз мавқеаларига яраша қўйроқдаги жойларни эгалладилар¹⁹. Демак, Сароймулкхоним Амир Темур ҳарамининг бош бекаси (Бибихоним), саройдаги катта нуфузга эга шахс бўлган.

Бибихоним ҳақида сўз кетганда, оммабон адабиётларда кўпроқ унинг меъморчилик, ободончилик соҳаларидаги фаолиятига урғу бериш олат тусига кирган. Ҳақиқатан ҳам Амир Темур давлатини бошқарган давр нафақат бизнинг ҳаққимиз, балки Шарқ мамлакатлари тарихида ҳам кўйлаб бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилгани билан ажралиб туради. Мазкур жараёнда Сароймулкхонимнинг ҳам ҳиссаси бўлган. Чунинчи, Самарқандда унинг саъй-ҳаракатлари билан олий даражадаги бино — мадраса қурилган²⁰. Унда кўйлаб илм толиблари таҳсил олиб маърифатли бўлганлар. Гарчи

¹⁸ Рун Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406). М., 1990. С. 125.

¹⁹ Уша жойла. 126-бет; Тўқал хоним Мўғулистон хони Хизрхожа Уғлоннинг қизи бўлиб, Амир Темур унга 799/1397 йили уйланган. Соҳибқирон ҳарамини ҳақида қаранг: Темурийлар шажараси. 61—62-бетлар.

²⁰ Қаранг: Зафарнома. 457б, 465б, 466а парақлар; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Тошкент, 1992. 1-китоб. 314—315-бетлар; Темурийлар шажараси. 56—58-бетлар.

манбаларда Сароймулкхонимнинг меъмorchилик ва ободончилик соҳасидаги фаолиятига оид бошқа маълумотлар келтирилмасе-да, бироқ унинг бу борада амалга оширган катта-кичик савобли ишлари кўплаб бўлганига шубҳа қилмасе ҳам бўлади. Шу билан бирга тарихий асарлар таҳлили Бибихонимнинг, энг аввало, давлат, мамлакат, сулола ишларида, ташқи сиёсатда катта ўрни тутганини исботлайди.

Сароймулкхоним фаолиятининг бир томони Амир Темуr фарзандлари ва набираларининг тарбияси билан боглиқ бўлган. Манбалардан маълумки, соҳибқирон ўз авлодлари тарбиясини туққап оналарига эмас, балки ўз ҳарамии соҳибаларига юклаган. Бунинг сабабини шахзодаларининг оналари бағрида эркатой бўлиб, катта бўлишлари, ҳар бири ўз онаси уругига меҳр қўйишининг олдини олиш, умуман, Амир Темуrнинг сулола ёш авлоди тарбиясига жиддий қарагани орқали тушунтириш мумкин. Соҳибқирон ҳарамии бекаларининг у ёки бу шахзода тарбиясига масъул этилганини кўрсатувчи илк гувоҳликлар 789/1387 йилга тегишлидир. Чунончи, ушбу санада Сароймулкхоним, Амир Темуrнинг ўн яшар ўғли Шоҳрух ва уч яшар набираси Халил Султон Самарқанддан шимолий Озарбайжонга, яъни соҳибқироннинг сафардаги қароргоҳига етиб келганликлари айтиб ўтилган²¹. 794/1392 йилда Эрон юришига отланган Амир Темуr Бухоро атрофида етганида Самарқанддан Сароймулкхоним ва бошқа яқинларини чақиртирганда, бу сафар маликага Туман Ого, Султон Бахтбегим, Шоҳрух ва бошқалар ҳамроҳлик қилганларини қўраминиз²². Шоҳрух яна бир неча бор Сароймулкхоним билан бирга сафарларда бўлган. Ушбу омил сабаб бўлибми, баъзи бир олимлар Шоҳрухни Сароймулкхонимнинг ўғли бўлган, деган хулосагача борганлар²³. Ваҳоланки, Шоҳрухнинг онаси қарохиной қавмига мансуб (юқориде тилга олинган) Тағой Туркон Ого бўлиб, Хондамир бу маълумотни Шоҳрух ҳукмронлиги даврида битилган насабномадан олиб ёзган²⁴. Яъни бу борада масала равшан. Биз эса бошқа бир фикрга диққатни қаратмоқчимиз.

Манбалар таҳлили шунн кўрсатмоқдаки, сўз кетаётган даврда давлат бошқаруви, хусусан, расмий маросимлар, сулолавий ички муносабатлар тартиби аниқ йўлга қўйилган. Ушбу анъаналарнинг баъзилари ўтган асрлар давомида шаклланиб келгани ҳам табиий. Шу билан бирга давлат ва сулола бошқарувидаги қонун-қондаларини бир нзмга солишда шахсан Амир Темуrнинг хизмати бўлгани ҳам аниқ. Жумладан, сулола вакилларино муносабатлар тартибларини белгилашда ҳам. Чунончи, кўрилатаётган мавзудан келиб чиқилса, малика-

²¹ Зафарнома. 1846 варақ; Халил Султон (1384—1411) — Мирношоҳ (1366—1408) ўғли.

²² Зафарнома. 2256 варақ; Туман Ого — амир Мусабекнинг қизи, демак, Сароймулкхонимнинг жияни. 1366 йили туғилган, соҳибқирон шикоҳига 1378 йили кирган. Ҳофизн Абуr гувоҳлик беришича, XIV асрнинг 20-йиллари ўрталарида у ҳали ҳаёт бўлган; Султон Бахтбегим — Амир Темуrнинг иккинчи қизи. 1430 йилда вафот этган.

²³ Bretshneider E. Mediaeval researches from Eastern asiatic sources. London. 1888 (2d ed.: 1910). Vol. II. P. 257.

²⁴ Хондамир. Ҳабиб ас-сияр. Теҳрон, 1362 ҳ. й. 3-жилд. 541—542-бетлар.

2001

лар ва шахзолалар ўртасидаги муносабатларни йўлга солиш ҳам Амир Темур диққат марказида эди. Масалан, 795/1392 йили Маъзондоронни бутунлай қўлга киритган соҳибқирон Самарқандга фатҳнома юбориб, бу вақтда пойтахтда истиқомат қилаётган яқинларини ҳўзурга чорлайди. Мазкур номада кимлар Амир Темур олдида боғриши кераклиги аниқ ёзилган: Шоҳрух, Халил Султон, Рустам Султон, Султон Ҳусайн, Биги Султон, Сароймулкхоним, Туман Ого ва ҳарамнинг бошқа вакиллари²⁵. Ҳудди шунингдек, Сароймулкхонимнинг салтанатнинг бирон бир бурчагига у ёки бу юмуш, сабаб билан амалга оширган сафари Амир Темур фармонига кўра бўлган²⁶. XIV аср 90-йилларининг ўрталаригача даврдаги ушбу сафарларда Сароймулкхонимга ҳамроҳлик қилганлардан асосан Туман Ого, Чўлпон Мулк, Шоҳрух, Пир Муҳаммад, Халил Султон номлари тилга олинган²⁷. Кейинги йиллардан бошлаб эса, Мирзо Улугбек Сароймулкхонимнинг доимий ҳамроҳига айланади. Хулоса қилганда, ҳарам бекалари, ёки шахзолаларнинг у ёки бу тadbирда, жумладан, сафарларда иштироки масаласи шахсан соҳибқироннинг ихтиёри билан тартибга солинган.

Сулола ички ҳаётида, хусусан, темурийлар хонадонида фарзанд дунёга келиши хабарини Амир Темурга етказиш тартиби ҳам аниқ йўлга қўйилганини ҳам таъкидламоқ керак. Чунончи, 796/1394 йили аввал Мирзо Улугбекнинг, беш ой ўтиб эса Иброҳим Мирзонинг туғилганлиги ҳақидаги хабарларни соҳибқиронга айнан Сароймулкхоним йўзлагани маълум. Уларнинг иккови ҳам Шоҳрухнинг фарзандлари бўлиб, биринчисининг онаси Гавҳаршодбегим (861/1457 йили ўлдирилган), иккинчисиники эса Тўти хотун эди. Ҳар икки малика ҳомилдорлик ойларини Сароймулкхоним яқинида ўтказган бўлсалар-да, Амир Темур Мирзо Улугбек тарбиясини Сароймулкхонимга, Иброҳим Мирзо парваршини Туман Огога юклайди²⁸. Аммо Туман Ого Сароймулкхонимнинг жияни бўлиб, кўп вақтни аммасининг ёнида ўтказарди, яъни ҳар томонлама бош маликанинг таъсирда эди²⁹. Бунинг кейинги йилларда рўй берган қатор тadbирлар, сафарлар чоғида Сароймулкхонимга Туман Ого, Мирзо Улугбекнинг ҳамроҳ бўл-

²⁵ Зафарнома. 229а парақ; Рустам Султон (1381—1424) — Умаршайх ўғли; Султон Ҳусайн (1380—1405) — Амир Темурнинг қизи Ўғи Бегихоним (1382 йили вафот этган) ва амир Музаббекнинг ўғли Муҳаммадбек никоҳидан туғилган; Биги Султон Мирношоҳнинг қизи бўлиб, 799/1397 йили Умаршайх (1354—1376) ўғли Искандар Мирзога (1384—1415) турмушга чиққан. Эътибордиси шундаки, никоҳ маросими Амир Темурнинг Хизрожа ўғли қизи Тўқал хонимни расман ўз ҳарамига олишга бағишланган тантаналар бўлиб ўтган кунларда рўй берган. Соҳибқироннинг Биги Султонга алоҳида рағбатини бўлганини намоёни шувчи воқеа шундан иборатки, Амир Темурнинг буйруғи билан Биги Шимолда Биги Султон номига аталган олий ишон қаср бино этилган (*Қаранг*: Зафарнома. 289а, 293а парақлари).

²⁶ *Қаранг*: Зафарнома. 243а, 269б, 271б парақлар.

²⁷ Чўлпонмулк Ого — Хожибек мўғлнинг қизи, Амир Темурнинг энг гўзал хотинларидан бири; Пир Муҳаммад (1376—1407) — Жаҳонگیر (1356—1376) ўғли.

²⁸ Зафарнома. 257а, 266а, 268б парақлар; Zafarnama. Vol. I. P. 150.

²⁹ *Қаранг*: Зафарнома. 243а, 269б, 271а, 344а парақлар.

ганликларни кўрсатиб туради³⁰. Нафақат темурийлар хонадони, умуман ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг таҳликали ва мураккаб кунларда — Амир Темур вафоти (1405 йил) юз берган ва шундан кейин тахт учун кураш бошланган кезларда ҳам Сароймулкхоним ва Мирзо Улугбек бирга бўлганликларни манбаларда ўз аксини топган. Чунинч, улар Утрордан Самарқанд томон йўлга чиқадилар. Айнан пойтахт атрофида Сароймулкхоним сўнгги ўн бир йил давомида кўзқорачлигидай асраб келган Мирзо Улугбек билан ажралнига мажбур бўлади. Шаҳзода бир неча амирлар билан Бухорога юзланишга мажбур бўлади. Бош малика эса Самарқандда қолади³¹.

Темуршумослар Амир Темурнинг Сароймулкхонимга уйланишини соҳибқироннинг сиёсий мўлжалли орқали тушуштириб келадилар. Яъни чингизий хонадон вакили Қозон султонига куёв тутиниш орқали Чигатой улусини бошқаришга ҳақли эканини мустаҳкамлаш маъносида. Уша замонда мавжуд сиёсий вазият ва мақсадга мувофиқлик нуқтаназаридан келиб чиққан ҳолда ушбу ёндошувни инкор этмасдан Амир Темур ва Сароймулкхоним муносабатларида алоҳида бир илқлик бўлганини ҳам таъкидлаш лозим. Агар мақсад фақат чингизий хонадонга куёв бўлиш билан чекланганда эди, ўз вақтида амир Ҳусайн ҳарамининг баъзи вакилларини ўз никоҳига олган соҳибқирон амир Ҳусайннинг бошқа бир хотини — чингизий Тармаширихонининг қизи Севинч Қутлуқ Оғони Баҳром жалоийрга тортиқ этиб юбормаган бўларди³². Бошқача айтганда, Амир Темур ва Сароймулкхоним муносабатларида ўзаро ҳурмат, ишонч, бир-биринга сўяниш, меҳр устувор бўлган, десак тўғри бўлади. Бунинг исботини шундан ҳам билса бўладики, ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги давомида салтанат юмушлари, каттадан-катта бунёдкорлик ишлари, ҳарбий фаолият билан машғул бўлган соҳибқирон бир неча марта оддий инсонлар каби бетоб бўлган вақтлари ҳам маълум. Шундай кезларда у, аввало, Сароймулкхонимга муҳтожлик сезган. Масалан, 795/1392 йилнинг ёзида Бухоро атрофида қароргоҳ тутган Амир Темур касал бўлиб қолади. Шунда у Сароймулкхоним ва қизи Султон Бахт Оғони стказиб келишни буюрган экан³³. Е бўлмаса, Яздда Сароймулкхоним учун бир неча харвор асл матолардан харид этилиши³⁴, Испания қироли юборган совғалардан ўзига энг мақбул келганини Амир Темур бош маликага тақдим қилиши³⁵, соҳибқирон жон бераётган дамларда Сароймулкхонимнинг унинг ёнида бўлиши³⁶ ва яна қатор, манбаларга тушмаган, ammo ҳеч бир шубҳасиз мавжуд бўлган ҳолатлар улар ўртасидаги алоҳида илқликни намойиш этади, албатта.

³⁰ Зафарнома. 303а, 345а, 365а, 399а, 402б varaқлар.

³¹ Зафарнома. 477а, 484а varaқлар.

³² Ўша жойда. 139а varaқ.

³³ Zaфарname. Vol. I. P. 126; Зафарнома. 225б varaқ.

³⁴ Зафарнома. 284б varaқ; Харвор — тахминан 300 кг атрофидаги оғирлик ўлчови.

³⁵ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура. С. 111.

³⁶ Зафарнома. 471б varaқ.

Сароймулкхонимнинг давлат бошқаруви, даргоҳ ҳаёти билан боғлиқ фаолиятига тўхталганда, бир неча жиҳатлар кўзга ташланди. Давлат ва мамлакат бошқарувида оид қурултой, кенгаш ишларида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқи бўлмаган ҳолда Сароймулкхоним у ёки бу масала юзасидан Амир Темурга ёзма тарзда мурожаат этиши имконига эга бирдан бир шахслардан эди. Одатда хат билан давлат бошлиғига мурожаат этиши фақат чет эллик ҳукмдорларга мумкинлиги ва табиийлигини инобатга олесак, Сароймулкхонимнинг саройдаги мавқеи нақадар юксак бўлганлигини идрок этиш қийин эмас. Шу маънода қуйидаги мисол диққатга сазовордир. Амир Темур даввати билан унинг ҳузурига йўлга отланган Сароймулкхоним бошлиқ шаҳзодалар Қаршига етганларида маълум муддат ушланиб қолинди. Шунда «Сароймулкхоним ҳазрат соҳибқиронга барча фарзандларнинг саломатлиги ва мавжуд аҳвол баёнидан иборат мактуб ёздики, (унда шундай дейлади): олий ҳукм этиб келиши биланоқ, буюрилганидек тезда йўлга отландик. Қаршига етганимизда ҳаракатда илдамроқ бўлишимиз борасидаги кўрсатманингизни олдик. Лекин салтанатингиз нури дийдаси Шоҳрухнинг кўзи шамоллаб қолгани сабаб шошилишнинг ҳеч бир иложи бўлмади. Алҳамдулиллоҳ, касаллик бутунлай соғайиш йўлини тутган бу замонда шитоб билан (ҳаракат қилиб) тезда этиб боргаймиз»³⁷. Сароймулкхонимнинг обрў эътибори, Амир Темурнинг унга ҳурмати ўз-ўзидан бош маликанинг бошқарув ишларидаги ўрнини табиий ва таъбир жонз бўлса, мажбурий қилиб қўйганди. Шаҳзодалар, амирлар у ёки бу масалада Амир Темурга мурожаат этишда Сароймулкхоним омилидан фойдаланишга ҳаракат қилардилар. Буни биз қуйидаги воқеа орқали ҳам шохиди бўлишимиз мумкин. Салтанатнинг Эрон, Ироқ ва Кавказорти қисмини 1393 йилдан бошқарган Мироншоҳ аср охирига келиб, баъзи ўзбошимчаликлари учун Амир Темур газабига учрайди ва лавозимидан маҳрум этилади³⁸. 806/1404 йили Қазвин атрофида тўхтаган Амир Темур ҳузурига Бағдод бошқаруви зиммасида бўлган Абу Бакр (1382—1417) келади ва Сароймулкхоним, амир Шайх Нуриддиндан отаси Мироншоҳни ўзи билан Бағдодга олиб кетиши учун соҳибқирондан ружсат олиб беришларини илтимос қилади. Сароймулкхоним ва Шайх Нуриддин Амир Темурга мурожаат қилиб, ушбу масалада уни кўндиршига муваффақ бўладилар³⁹. Сароймулкхонимнинг мавқеи унинг фақатгина Амир Темурнинг хотини, давлатнинг бош маликаси бўлганлиги билангина белгилабмаган. Чунончи, Амир Темур ўлимидан сўнг юзгага келган мураккаб вазиятда қандай иш тутиниш борасида Сароймулкхоним, амир Шайх Нуриддин ва бошқа амирлар кенгаш қилганлари маълум⁴⁰. Бундан чиқди, Сароймулкхонимнинг амирларга

³⁷ Зафарнома. 230а varaқ.

³⁸ Қаранг: Темурийлар шаҳараси. 165—169-бетлар.

³⁹ Зафарнома. 451а varaқ; Шайх Нуриддин б. Сор Буго — Амир Темур даври нуфузли амирларидан бўлиб, 1411 йили қилинган (Қаранг: Ҳофизни Абру. Зублат ат-таворих. Техрон. 1372 ҳ. й. 1-жилд. 421—433-бетлар).

⁴⁰ Зафарнома. 481а varaқ.

хам таъсири кучли бўлган, соҳибқирон эътиمود қўйган арбобларни ишга сола билган.

Бош малика соҳибқирон қўл остидаги забардаст амирлардан ташқари чет эллик сўбсатчилар билан ҳам тил топа билди қобилиятини бўлганини биламиз. Шу маънода 796/1394—798/1396 йилларда Амир Темур буйруғи билан Султонияда тутқинликда бўлган Мордин хукмдори Султон Исо тақдиринда Сароймулкхоним тутган ўрни алоҳида диққатга сазовордир⁴¹. Иби Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, 797/1395 йили Сароймулкхоним Султонияга таширф буюриб, Султон Исони ҳузурига чорлайди. Бўлиб ўтган мулоқот давомида бош малика унга соҳибқиронга сўққидилдан хизмат қилиши борасида пайду насиҳатлар беради ва хамир учиндан патир дегаиларидек, Султон Исога ватандошлари, юртида қолган жамоаси билан ёзишмалар олиб боришига рухсат ҳам беради⁴². Балким бу ерда, Иби Арабшоҳ ишора қилганидек, Амир Темурнинг олдиндан ўйлаган бир режаси ҳам мавжуд бўлиши мумкиндир⁴³. Аммо ҳатто ушбу гўмон тўғри бўлгани тақдиринда ҳам уни амалга оширишни соҳибқирон айнан Сароймулкхонимга ишонинининг ўзиёқ бош малика салоҳиятига берилган баҳонини яна бир бор тасдиқлайди, холос. Бибихонимнинг хорж давлатлар вакиллари билан ҳам бемалол мулоқотда бўла олиш қобилиятини ва ҳуқуқини ўз мисолида синиб кўрган испаниялик элчи Клавихо ёзишича, унинг май ичмаслигини эшитган Сароймулкхоним элчини ҳузурига чақириб, узоқ вақт ушбу масалада баҳс юритган экин⁴⁴.

Евроцентризм намояндалари умуман Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқи сўбсий тарихини асосан уруш-талашлар ва қон тўқилишлардан иборат тарзда баён этишга ружу қўйганлари маълум. Ваҳолонки, ҳар қандай халқ, сулола, сўбсатчи, арбобларга хос бўлганидек, ўзбек давлатчилиғи тарихида ҳам иссон кўнгли, ҳиссий кечинмалари, ишқ-муҳаббатга алоқадор саҳифалар ҳам старлидир. Темурийлар хонадонини ҳам бундан мустасно эмасди. Гарчи ўша замонларда битилган тарихий асарларда ёрқин ва алоҳида таърифланмаган бўлса-да, аммо мавжуд қуруқ маълумотлар Халил Султон ва Шодмулк ўртасида ишқий саргузашт бўлиб ўтганидан далолат беради. Халил Султон аввалига амирзода Алининг қизи Жаҳон Султонга уйланган бўлиб, ўз ўрнида амирзода Али Амир Темур опасининг ўғли эди⁴⁵. Орадан вақт ўтиб Халил Султоннинг ишқий амир Хожа Сайфиддиннинг собиқ канизақларида Шодмулкка тушади ва соҳибқирон сафардалиғидан фойдаланиб, ундан бесуроқ севгилисини ўз ишқоғига олади. Кези келиб, Жаҳон Султон бу ҳақда Амир Темурга арз қилганда, сулолавий тартиблар ва демак, давлат қонуи-қондаларига қатъий риоя қилиш талабгори бўлмиш хукмдор набирасининг

⁴¹ Султон Исонинг тутқинликка тушиш тафсилотлари ҳақида қаранг: Зафарнома. 253а—255а парақлар.

⁴² Амир Темур тарихи. 1-китоб. 143-бет.

⁴³ Ўша жойда.

⁴⁴ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура. С. 120.

⁴⁵ Зафарнома. 467б парақ.

4. Ҳар хил хабарлар.
5. Идорадан. Узр.

№ 3. 10 январ, 1906 йил

1. 10 нчи январ шаҳри Тошканд.
2. Государственный Думалар хусусида бўлатургон харожатлар тўғрисидағи хабарлар.
3. Руссиядан келган ахборлар.
4. Руссия газиталарини хабарлари.
5. Ҳар хил хабарлар.
6. Туркистон вилоятининг ахборотлари.
7. Орис истонсиясидан келган хабар.
8. Ашқабод шаҳридағи Русский—Персидский бонки хусусида хабар.

9. Каттақўрғондин ёзодурким.
10. Қайиқ савдосини хабари.
11. Янги почтавий тилигроф бўлуми, яъни тақсими хусусида хабар беродур.
12. Хўқанд шаҳридаги мусулмоний фуқароларнинг мажлисларида бўлган маслаҳат ва машваратларнинг мазмуни.
13. Эълонлар: Урта Озё умр гузаронлиги газитасига подписка очилмишдур.

№ 5. 19 январ, 1906 йил

1. Ушбу газитхонанинг тартибига мувофиқ.
2. Государственный Думаинг сайлови хусусида.
3. Тилигром хабарлари.
4. Ахбори хорижий: Персия (яъни Эрония). Эрондин хабар беродурларким.
5. Кофкозда бўлгон воқеалардин хабар беродурларким.
6. Руссиядин келгон ахборлар.
7. Ҳар хил хабарлар: Тўқмоқдин келган мактуб. Биринчи мактуб кўфияси, муаллиф мударрис Муҳаммадзокир Ваҳобуф. Сайишкарим Саидазимбой ўғли, 2 нчи танзимот кўфияси.
8. Уринбург—Тошканд эски темир йўли хусусида.

№ 7. 29 январ, 1906 йил

1. Государственный Думада сайлов хусусида.
2. Партиялар, яъни жамиятлар хусусида.
3. Ахбори хорижия: Эрондин хабар беродурларким. Тилигром хабарлари.
4. Руссиядин келган ахборлар.
5. Бўш лавозимлар хусусида.
6. Питирбург шаҳридин хабар беродурларким.
7. Мусулмонларини янги низомлари хусусида.
8. Ҳар хил хабарлар: Чума ном касал хусусида.
9. Эронга тобъе курд фуқаролари хусусида.
10. Хўқанд ва Андижон шаҳарларидан.
11. Шаҳар Думахона мажлисидин хабар.
12. Тошканд шаҳрини савдо муомаласи хусусида.
13. Афсуслик хабарлари.

№ 8. 3 феврал, 1906 йил

1. Абдулмажидхон шаҳри Тошканд.
2. Англиядин хабар.
3. Дания мамлакатлариндин хабар.
4. Ахбори хорижий.
5. Ҳамсоия мамлакатлар тўғрисидаги хабар.
6. Руссиядин келгон ахборлар.

7. Мулла Мунаввар Қори мулла Абдуррашидхон ўгли. Никоҳ тўғрусида (боқияси бор).
8. Фарғона музофотидаги Хўқанд шаҳрини сиз қозиларидан ҳукмиюма 108 нчи рақамда.
9. Туркистон вилоятини ахбороти.
10. Бўрон ҳусусида.
11. Ғазоли шаҳридан келган хабар.
12. Эълон.

№ 9. 9 феврал, 1906 йил

1. Руссиядин келган ахборлар.
2. Хар хил хабарлар.
3. Никоҳ тўғрусида (боқияси бор).
4. Самарқандли мулла Абдураҳим Муқимбосф. Мақола (номсиз).
5. Тошканд шаҳридин хабар беродурларким.
6. Самарқанд шаҳридин хабар беродурларким.
7. Хўқонд шаҳридин хабар беродурларким.
8. Афсуслик хабарлари.

№ 11. 23 феврал, 1906 йил

1. Государственный Дума сайловига тегишли ахбор.
2. Руссия ахборотлари.
3. Тилиграм хабарлари.
4. Пирмуҳаммад муфти Турсинмуҳаммад ўгли. Қозилар хусусида.
5. Хар хил хабарлар. Туркистон вилоятининг ахбороти.
6. Тошкандли Камий. Ҳиммат ва Ғайрат.
7. Тошкандда муқим тоторлардин.
8. Самарқанд шаҳридин хабар беродурлар.
9. Икки дўст — дунёвий.
10. Хўқанд шаҳридин хабар беродурларким.
11. Эълон.

№ 13. 5 март, 1906 йил

1. Янги манифест.
2. Тилиграм хабарлари.
3. Руссия ахборотлари.
4. Бир Руссия газетида ёзубдур.
5. Хар хил хабарлар.
6. Туркистон вилоятининг ахбороти.
7. Самарқанд шаҳридин хабар беродурлар.
8. Автиёта шаҳридин ёзодурлар.
9. Сайлов хусусида.
10. Тошканд ахбороти.

11. Toshkand shahriining xavodisotlari.
12. E'lonnomalar.

№ 14. 12 mart, 1906 yil

1. Shahri Toshkand.
2. Tiliogram xabarlari.
3. Axbori xorijiya.
4. Ozne mamlakatlariidin axborlar.
5. Xar hil xabarlar.
6. Turkiston viloyatiniing axboroti.
7. E'lonnomalar.

№ 15. 16 mart, 1906 yil

1. Shahri Toshkand.
2. Tiliogram xabarlari.
3. Xar hil xabarlar.
4. Turkiston viloyatiniing axboroti.
5. Toshkand axboroti.
6. Toshkand uziida bulgon xabar.
7. Turkiston shahriidin ezodurlar.
8. Samarqand shahriidin ezodurlar.
9. Foydalik ish xususida.
10. Qozilar hukmi.
11. E'lonnomalar.

№ 16. 22 mart, 1906 yil

1. Shahri Toshkand.
2. Tiliogram xabarlari.
3. Axbori xorijiy.
4. Afg'onistondan xabar.
5. Eronni xabar berodurlar.
6. Turk mamlakatidini xabar.
7. Xinduston axbori.
8. Xitoydini xabar.
9. Rossiya axboroti.
10. Xar hil xabarlar.
11. Toshkand axboroti.
12. Fozlullox. Turkiston viloyati axboroti.
13. Andijon shahridan ezodurlar.
14. Chmkent uzidini ezodurlar.
15. E'lonnomalar.

№ 17. 31 mart, 1906 yil

1. Aйдаруф. Редаксиадан.

2. Шаҳри Тошканд.
3. Тилнгром хабарлари.
4. Россия ахбороти.
5. Россия газиталаринда ёзилган хабарлар.
6. Одесса шаҳрининг хабар беродурлар.
7. Кофкоздан хабар.
8. Ҳар хил хабарлар.
9. М. А. Қозилар ҳукми.
10. Таҳрир қилгувчи мулла Қосим Аюббой ўғли. (Мунаввар Қориннинг мақоласи хусусида).
11. Мулла Дадамўхаммад Нормўхаммад ўғли (мақола).
12. Эълонлар.

«Тараққий» газетасининг мундарижаси

Нажот: маслакда сабот; тўғрилиқна нжобат. Илмий, адабий, сиёсий, фанний, тиҷжорний газитадирки: ҳозир ҳафтада икки мартаба ва тез фурсатда уч мартаба чиқуб Озиён васитанинг машатидин баҳс қилур.

Тошкандда В. М. Ильин босмахонасида чоп этилган. Мухаррир: Сайинд Исмоил Обидўф. Мухарририят манзилгоҳи: Тошкент, Ура-Тепа кўчаси, 97 уй.

№ 9. 16 июл, 1906 йил

1. Ихтор.
2. Тошканд 16 июл.
3. Аввалги ҳукумат хусусида.
4. Экинчи, зироат ва ҳар навъи касб хусусида.
5. Қадетлар кимлар?
6. Қозон шаҳрида.
7. Мулла Зулфиқор. Мадрасаларға оид.
8. Фелетон.
9. Морозуф. Мақола (номсиз).
10. Хорижий хабарлар.
11. Тилнграф хабарлари.
12. Мулла Сайиндаҳмад Васлий Самарқандий. Фн баёни ҳақ ва изҳорун нафъи ал-мутлақ (тожикча шеър).
13. Жувоб.
14. Эълон.

№ 10. 20 июл, 1906 йил

1. Ихтор.
2. Усули жадиди ила.
3. Эълон.
4. Тошканд 20 июлда.
5. Ибрат олмоққа лойиқ нарсанинг баёни.

6. Мулла Зулфиқор. Мадрасаларга онд.
7. Фелетон. Нуғойқурғон. Мулла Шокир Мухторуф. Боқийяти ал-матоҳон.
8. Баҳромбек Давлатбоев. Муҳтарам ота ва оғаларим! (Катта-қурғонлик, боқияси бор).
9. Хорижий хабарлар. Елуня.
10. Тилиграф хабарлари.
11. Эълон.

№ 16. 9 август, 1906 йил

1. Ихтор.
2. Идорадан.
3. Муслима табиб хотун.
4. Тошканд 9 нчи август.
5. Эълонлар.
6. Умумий ўқитув.
7. Исломларнинг уйғонувлари.
8. Тошканд хабарлари.
9. Мамлакат хабарлари.
10. Россия хабарлари.
11. «Таржимон» газитасидан.
12. «Вақт» газетасидан Уринбург шаҳридағи.
13. Ҳар хил хабарлар: Инглизларда, Миср, Хитой, Гирмония, Эрон.
14. Сўнгги хабарлар.
15. Тилиграф хабарлари.
16. Эълон.

№ 17. 12 август, 1906 йил

1. Эълон.
2. Тошканд 12 августда.
3. Тошканд хабарлари.
4. Фансуруллоҳбек. Муҳтарам муҳаррир афанди.
5. Мирзо Амр Неъматуллоҳ. Идорага мактуб.
6. Фелетон. Тараңчли. Чоркентлик Валижонбойға очиқ мактуб.
7. Урунбургдағи «Мадрасаи Хасания»нинг дарс прўграммалари.
8. Доҳилий хабарлар: Урунбург.
9. Сўнгги хабарлар.
10. Хорижий хабарлар: Сингапур, Гирмония, Ҳиндустон мусулмонлари, Туркия.
11. Эълон.

Этнология масалалари

З. Орифхорова

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЭРКАКЛАР ВА АЕЛЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ЙИГИНЛАРИ

Марказий Осиё минтақасида эркаклар йиғинлари ўзининг тарихига эга бўлиб, патриархал-уруғчилик жамоаси даврига бориб тақалади. Теран ялдига эга бўлган ушбу ижтимоий институт илк бор Н. С. Ликошин, В. П. Нагликин, М. С. Андриев, М. Ф. Гаврилова, кейинчалик эса С. П. Толстов, О. А. Сухарева, К. Ш. Шоннёзов, Г. П. Снесарев, Р. Р. Раҳимов, В. И. Бушков каби этнограф олимларнинг асарларида муайян даражада ўз аксини топди. С. П. Толстов исломдан олдин Марказий Осиёда эркаклар ўтиришлари кенг тарқалгани ва у ижтимоий жиҳатдан катта аҳамиятга эга ҳодисалардан бири бўлганлигини ёзган эди¹.

XIX аср охирилари — XX аср бошларида бу анъанавий йиғинлар шакли ўзгарган тарзда маҳаллий аҳоли орасида «гап», «зиёфат», «тўкма», «гаштак» сингари турли номлар билан юритилган. Тошкентда мазкур йиғинлар «гап» ва «тўкма» деган номлар билан машҳур эди.

Ушбу анъанавий эркаклар йиғилишининг (гаплар)нинг асосий вазифаси — бўш вақтни тенгдош дўстлар даврасида мазмунли ўтказиш, анъанавий муомала маданияти, ўзбек меҳмондўстлиги одобини тарбиялаш ҳисобланади. Аввалги йиллардаги кўпгина тадқиқотчилар бўш вақтларини биргалликда ўтказадиган эркаклар уюшмаларининг фақат мароқли шаклинигина қайд қилиб ўтганлар. Этнографик адабиётларда бу институтларнинг моҳияти ва жамиятдаги аҳамиятини тушунмаслик, уларнинг эскилик сарқити деб қараш кўзга ташланади. С. П. Толстов ва Г. П. Снесарев мазкур уюшмаларни анъанавий жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири деб таърифлаб, уларнинг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтганлар².

Ҳар бир маҳалладаги эркаклар куз-киш фаслларида бўш вақтларни биргалликда ўтказиш учун жамоаларга уюшганлар. Бу уюшмаларга одатда 10—20 киши кирган.

Одатда, уюшмада (маҳаллада) тегишли равишда анъанавий жинс, ёш хусусиятига қараб бир неча «гаплар» мавжуд бўлган. Гап иштирокчилари бўлган эркаклар орасида 3 хил ёш гуруҳлари кўзга ташланарди.

¹ Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948. С. 317.

² Там же. С. 315—317; Снесарев Г. П. Традиции мужских союзов в ее позднейшем варианте у народов Средней Азии // *Известия Института этнологии и антропологии Академии наук СССР*. М., 1958. С. 175—205.

1. 18—20 ёшдан 30—35 ёшгача бўлган йигитлар.
2. 36—40 ёшдан 50—55 ёшгача бўлган эркаклар.
3. Қариялар (55 ёш ва ундан катталар).

Кузги-қишги даврда, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва мевачевалар йиғиб териб олингач, Тошкент шаҳри аҳолиси шаҳар ҳовлиларига қайтишарди³. «Гаплар» навбат билан ҳафтасига бир марта йиғин қатнашчиларидан бирининг хонадонида ўтказилган. Утириш харажатларини хонадон эгаси кўтарарди. Ҳар бир «гап»нинг сабляб қўйилган ўз бошлиғи («жўрабоши»)си ва иштирок этиш қондалари бўлган. Бу қондаларнинг бузилиши гапда қатнашишдан четлатишгача бўлган турли чоралар билан жазоланарди (жарима тўлаш, огоҳлантиришлар). Шунингдек, худди «суднома»га ўхшаш ёзилаган бутун бир қондалар мажмуи мавжуд бўлиб, меҳмонхонанинг ички ҳаёти ана шу қондалар асосида унинг аъзоларининг меҳмонхона ичидаги ва ташқарисидаги хулқ-атвори нуқтан назаридан бошқариларди⁴.

Тошкентда бўш вақтни ўтказишнинг яна бир шакли «тўкма» ҳам мавжуд бўлиб, эркаклар давраси кимнингдир хонадонидан олдиндан келишилган кунлари тўпланиб, ўзи билан бирга зарур маҳсулотлар (ким нимага қодир бўлса) олиб келарди, буларнинг ҳаммаси дастурхонга тўкиларди («тўкма» номи ана шундан олинган), кейин умумий қозонга солинарди. Эркакларнинг ўзлари овқатни пишириб, истеъмол қилишар, хонани йиғиштириб намоз ўқишар, шунингдек, диний китобларни мутолаа қилишар, ўзаро суҳбатлашиб, янгиликлардан хабардор бўлишар, шу тариқа ҳордиқ чиқаришарди. Кечқурун уй-уйларига тарқалишарди. Бундай айрим йиғинларда ёшлар касб-хунар ҳам ўрганишган. Ешроқ эркаклар учун бундай тadbир катта тарбиявий аҳамиятга эга бўларди. Чунки улар мустақил ҳаётга ошно бўлишар, қўни-қўшнилари билан муомала қўникмаларини ҳосил қилишарди. Маҳаллада бундай йиғинлар учун одатда, чойхонада хона бўлган. Чунки ёшлар четроққа чиқиб кетмасдан, жамоанинг кўз ўнгида бўлиши мақсадга мувофиқ эди⁵.

Ўтмишда эркаклар йиғини учун олдиндан — куздан бошлаб маҳсулотлар жамғаришларди. Бунинг учун махсус равншда ҳўкиз ёки қўй боқиб семиртирилар, қазни қилинарди. Меҳмондорчиликда қандай таомлар тайёрланиши йиғин аъзолари билан олдиндан маслаҳатлашиб олинарди. Одатда шўрва ва палов пишириларди. Қўпинча Тошкент шаҳри ўзбекларининг сеvimли таоми норин тайёрланарди. Ночорроқ кишилар тўпланган давраларда битта таом палов тайёрланган. Анъанага мувофиқ ўтириш тамом бўлгандан кейин жўработни ҳар кимдан оз-оздан пул тўлаган ва навбатдаги йиғинни ўз зиммасига олган йиғин қатнашчисига топширган.

³ Тошкент аҳолиси XIX—XX аср бошларида хунар билан бир қаторда деҳқончилик билан ҳам шуғулланган, ёз даврида шаҳардан ташқаридаги бог ерларига кўчиб борган.

⁴ Рахимов Р. Р. Мужские объединения у узбеков и таджиков Ферганской долины // Социальная история народов Азии. М., 1975. С. 40.

⁵ Муаллифининг Обишазир маҳалласидаги ёзувидан, 1995 йил.

2001

Ижтимоий ахборотнинг ривожланган тармоғи мавжуд бўлмаган даврда гаплар ижтимоий ҳаётнинг марказларидан бири бўлган, уларда маҳалладаги, жамиятдаги барча воқеалардан, янгиликлардан хабардор бўлиш мумкин эди. Айрим йиғинлар ва уларнинг жўрабошилари катта обрўга эга бўлиб, маҳалладаги раҳбариятга, муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишга таъсир кўрсата олар эдилар.

30-йиллардаги қатағонлар, мафкуравий ва диний таъқиблар даврида кишилар намоз ўқиганлари ва диний адабиётларни мутолаа қилганлари учун қamoққа олинганлар, гаплар ўтказиш ва компанияларга тўпланиш хавфли бўлиб қолган эди. Иккинчи Жаҳон уруши давридаги моддий қийинчиликлар ҳам гаплар ўтказишга салбий таъсир кўрсатди. Бироқ эркакларнинг йиғинлари ўз фаолиятини тўхтатмади ва 50—60-йилларда яна кенг тарқала бошлади, бирмунча такомиллашди.

Ҳозирги босқичда гаплар деярли бутун йил мобайнида ўтказилиб келинади. Уларда кўпинча янги анъаналар пайдо бўлмоқда⁶. Гаплар асосан тугилган кунлар, юбилейлар ёки бирон-бир бошқа воқеага тўғрилаб ўтказилади.

Кўпгина гаплар маҳалладаги қўшиқларнинг ўзаро йиғинлари шаклини олган. Лекин битта корхонада ишлайдиган эркакларнинг, шунингдек, дўстларнинг, баъзида эса қариндошларнинг йиғинлари ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Йиғинларнинг кўпчилиги навбат билан қатнашчилардан бирининг хонадонида ўтказилади. Бироқ зиёфатни чойхонада (кўпинча «тўкма» тарзида) ўтказиш ҳоллари ҳам учрайди. Биз гапларнинг раҳбарлар ва фаоллар орасида ҳам мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Масалан, Муқимий маҳалласида бундай зиёфатлар идоранинг ўзида ташкил этилади.

Ҳар бир гапда ўзининг бошқарув аппарати — раҳбар (жўрабоши), унинг икки ёрдамчиси бўлади. Бироқ эндиликда давра бошлиғи чекланмаган ҳокимиятга, илгаригидек дахлсиз обрў-эътиборга эга эмас. Кўпгина масалалар биргаликда келишиб ҳал этилади. Бундан ташқари кўпчилик гапларнинг ўз хазиначиси, баъзан ошпази ҳам бўлади, у асосан иккита таом тайёрлайди. Бир қатор жойларда бу ишни навбат билан гап қатнашчиларининг ўзлари адо этишади.

Гапларда анъанавий таомлар — шўрва, палов, сомса, норин, ёпан нон, ширинликлар, мева-чевалар бўлади. Бу ассортиментга XX асрнинг II ярмидан бошлаб манги, шунингдек, айрим Европа таомлари, турли ичимликлар ҳам қўшилмоқда. Дастурхоннинг мўлқўллиги мезбоннинг топиш-тутишига боғлиқ бўлади. 70—80-йилларда кўпгина гап иштирокчилари ҳаддан ташқари дабдаланган дастурхон ёзишнинг одат қилган эдилар, бу эса асрлар мобайнида шаклланган анъаналарга зид келарди, чунки ўтиришлардан мақсад таом ейиш эмас, балки мулоқот, муомалада бўлиш, фикр алмашиш ҳисобланади.

Эркаклар давраси бир ёки ярим ойда бир марта давра қатнашчиларидан бирининг уйида ёки чойхонада тўпланади. Бутун кун давомида (агар йиғин эрталабдан бошланса) ёки кечқурун гап ишти-

⁶ Бугунги кунда «гап» атамаси билан бирга «ўтириш» сўзи ҳам ишлатилмоқда.

рокчилари таомлар оралигидаги даврда суҳбатлашадилар, янгликлардан хабардор бўладилар, китоблар ўқиб, шахмат, нард ўйнайдилар, аскиябозлик қиладилар, куй-қўшиқ эшитиб, ҳордиқ чиқарадилар.

Биз Янгибод маҳалласидаги гаплардан бирида иштирок этишга муваффақ бўлдик. Бу гапнинг мазмуний қисмига шунчаки долзарб снёсий ва халқаро масалаларни муҳокама қилиш эмас, балки қисқа-ча снёсий ахборот ўтказиш киради. Бундай ахборотни гап қатнашчиларининг ўзлари (уларнинг кўплари ўқитувчилар ва олий ўқув юртлари муаллимлари ҳисобланади) ўтказадилар, ахборот ва суҳбат мавзулари турлича бўлиши мумкин. Ахборот олишининг янгидан-янги воситалари мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ҳам гапларнинг аҳамияти пасайгани йўқ, чунки улар жонли мулоқот ва жамиятда рўй бераётган жараёнлар муҳокамаси шакли ҳисобланади, одамларни ўзаро жипслаштиради ва уларни бирдамлик руҳида тарбиялайди. Гапларда муомала маданиятининг миллий усуллари ҳаммадан кўра яхшироқ сақланади, миллий урф-одатлар кўпроқ акс этади.

Гаплардаги ўзаро муносабатлар демократик негизларга, барча иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлигига асосланади, шу билан бирга, катталарга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлиш анъанаси сақланиб қолади, бу ҳол уларга зинфатнинг тўридан жой беришда кўзга ташланади.

Гап иштирокчиларининг иттизоми ва жавобгарлигини тартибга солиш тизими, шунингдек, айбдор кишиларни огоҳлантириш ва жазима солишдан тўртиб, то жамоадан чиқариб юборишгача бўлган таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган.

Гап ўтказишда жинс, ёш чегаралари мавжуд бўлиб, гаплар асосан ёшлар, ўрта ва катта ёшдаги эркаклар ўртасида ўтказилади. Шунингдек, турли авлод вакиллари иштирок этадиган гапларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, яхшилардан сабоқ-тарбия олсин деган мақсадда катта ёшдаги кишилар ўз давраларига фарзандларини ҳам олиб келадилар. Ёки вафот этган отанинг ўрнига гапга унинг ўғлини таклиф этиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундан ташқари, кўпинча гап иштирокчилари бўлмаган ёшлар унда хизмат қилувчилар сифатида қатнашадилар.

Шундай қилиб, гаплар шахснинг жамиятга аралашувида муайян роль ўйнайди, ёшларни ота мерос анъана ва урф-одатлар руҳида тарбиялайди, улар томонидан жамиятнинг қарор топган этик нормаларини ҳурмат ва унга риоя қилинишини таъминлайди. Масалан, марҳум Ўзбекистон халқ ҳофиси Муҳаммаджон Қаримовнинг ҳикоя қилишича, дастлаб у ўз отаси жўрабоши бўлган гап иштирокчилари тўпланганда, уларга хизмат қилиб юрган. Улар орасида машҳур санъаткорлар Тўйчи ҳофиз, Ғуломқори, Акбарқори ва бошқалар ҳам бор эди. Кейинчалик Муҳаммаджон аканинг ўзи ҳам гапда жўрабоши бўлган, бу гапда турли ёшдаги 20 дан ортиқ киши иштирок этарди. Кексалар билан бир қаторда, ўтиришларда ёшлар ҳам қатнашиб,

оталари вафот этгандан кейин, уларнинг анъаналарини давом эттириб юрганлар⁷.

Бошқа гапларда бўлгани каби, бу гапнинг ҳам ўз қонда ва таққиқлари бор: дастурхонга фақат ўтириш учун зарур бўлган таомларгина қўйилади, меъёрдан ортиқча нарсалар учун жарима солинади. Ўтиришга ўз вақтида келмаганлар ҳам жарима олинади. Иштирокчилар учун асосий мақсад таом ейиш эмас, балки фикр алмашишдир. Дастурхон атрофида суҳбатлар, ахборотлар билан ўртоқлашилади. Мусиқага, қўшиқлар ва халқ ривоятларига катта эътибор берилади. Гап иштирокчилари ҳар ёз фаслида дам олиш учун Хумсонга чиқишади. Улар етарли миқдорда маҳсулотлар жамлаб, бирор хонадонда туришади, 15 кун мобайнида соф тоғ ҳавосида мириқиб дам олиб, қайтишади. Буш вақтларини биргаликда мазмунли ўтказиш учун уюшган кишилар бир неча йиллардан буён жуда апоқ-чапоқ бўлиб кетишган, бир-бирларини қўллаб-қувватлашади, барча зарур ҳолларда бир-бирларига ёрдам беришади, ҳаёт қувончлари ва ташвишларини бирга баҳам кўришади.

Гапларнинг кўпчилиги қисми уюшқоқ жамоалардан иборат бўлиб, кўп йиллардан буён давом этиб келади ва ўз анъаналарни, қатъий шаклланган ўзаро муносабатлар тизмига эга бўлиб, улар фақат ўтиришлар чоғида эмас, балки кундалик ҳаётда ҳам амал қилиб келади. Гаплар иштирокчиларини фақат зиёфатнинг ўзи эмас, шу билан бирга, бир қатор ҳаётий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, биргаликда ҳашарлар қилиш ҳам бирлаштириб туради. Бу чинакамига уюшма бўлиб, қўни-қўшиқлар, қариндош-уруғлар, ёру дўстларни бирлаштириб туради, иштирокчиларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеларини мустаҳкамлайди. Тўйлар вақтида бир гапга қатнашувчилар хонадон эгасига фаол ёрдам кўрсатадилар, мазкур тантананинг барча босқичларини тайёрлашда қизгин иштирок этадилар. Улар ҳашар вақтида ёрдамлашадилар, ўз ўртоқларининг хонадонидан кимдир вафот этса, таъзия билдириб, ҳамма маросимларда бир жону бир тан бўладилар, беморларни ўз вақтида бориб кўрадилар ва ҳоказо. Бир қатор эркаклар ўтиришларида биргаликда дам олиш масканларига бориш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш, тарихий ёдгорликларга саёҳатлар уюштиришга келишиб олинади, бир қатор миллий ва диний маросимлар биргаликда ўтказилади.

Мазкур ижтимоий жамоатчилик уюшмаларининг фаолиятидаги яна бир муҳим жиҳатни — гаплар жамоатчилиги фикри ва турмушини бошқарувчилик вазифасини бажаришини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Гапларда маҳалладаги барча воқеалар, айниқса, маросимларни ўтказиш тартиби, айрим онладалар ва кишиларнинг хулқ-атвори муҳокама этилади. Бу ерда жамоатчилик фикри таркиб топади ва маълум қилинади. Мазкур фикр кўпинача бутун маҳалланинг нуқтаи назари бўлиб қолади. Иштирокчилар ўз жамоаси ва ўртоқлари учун жавобгар бўладилар, жамоа фикрини қадрлайдилар ва унинг обрўсини ту-

⁷ Муаллифнинг ҳофиз Кўҳажий маҳалласидаги ёзувларидан, 1995 йил.

ширмасликка интиладилар. Ҳар бир уюшма ўзининг шон-шухратига эга бўлиб, у йиллар мобайнида вужудга келади, шунга кўра яхши жамоалар уни сақлашга интиладилар. Улар одатда кўплаб иштирокчиларни ўзинга жалб этади. Бирор кишининг қайси гапга кирганлигига қараб, унинг қандай тарбия олганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин, чунки эркаклар гаплари ўз фаолиятининг барча босқичларида фақат муомала ва бўш вақтни ўтказиш шакли бўлиб қолмасдан, шу билан бирга тарбия усули ва этик анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, муомала ва меҳмондўстлик одобини тарбиялаш воситаси ҳам бўлиб келмоқда.

70-йиллардаги гапларда ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, мазкур тадбирни ўтказишнинг анъанавий қондаларига хос бўлмаган айрим номақбул ҳолатлар ҳам учраб турарди. Кўпинча гаплар ортқи-ча сарф-харажатлар ва ичкиликлар билан ўтказиларди. Бу хилдаги гаплар кексалар томонидан қораланди. Китоблар ўқиш, мазмуни суҳбатлар ўтказиш каби ижобий ҳоллар барҳам топа бошлади.

Бугунги кундаги гапларда жинсига ва ёшига унчалик амал қилинмаяпти. Шу билан бирга, оилавий гаплар ҳам пайдо бўлди, уларга эркаклар ўз аёллари билан бирга қатнашадилар. Бундай ўтиришлар синфдошлар ёки курсдошларнинг гаплари сифатида бошланган бўлиб, секин-аста янги уйланган йигит бу меҳмондорчиликларга келишни ҳам олиб келадиган бўлди. Бу гаплар ҳам умумий қондалар асосида ўтади, лекин анча камдан-кам ҳолларда чақирилади.

Аёлларнинг гаплари ўтмишда аҳолининг бадавлат гуруҳлари орасида ўтказилиб келинган. Аёллар эркакларнинг ўтиришларига таомлар тайёрлашарди. Гапда хизмат қилиш учун яқин қариндошлар, қўшни аёллар тўпланишган, аёллар қисмида ўйин-кулгилар билан зиёфат ташкил этилган. Р. Раҳимовнинг ёзишича, эркакларнинг «ҳар бир гаплашув»ига «аёллар гаплашув» ҳам тўғри келган⁸. Бундай гаплашувлар XIX асрнинг 60—70-йилларида кенг тарқалган бўлиб, улар асосан маҳалладаги қўшни аёлларнинг зиёфатлари эди. Лекин бу ерда ҳам ёш тафовутига амал қилинарди. Ҳар бир маҳаллада катта ва ўрта ёшдаги аёллар учун гаплар бўларди, шунингдек, ёш аёллар ҳам алоҳида тўпланишар, улар асосан, мазкур маҳалланинг келинлари эди. Ҳозирги вақтда ҳудудий белгилари бўйича яқин қариндошлар ўртасида гаплар тез-тез ўтказилиб турилади, бунда асосий ролни одатда қайнона (ёки бирорта кексароқ аёл) ўйнайди. Гап таркибига унинг келинлари, қизлари кирди. Ўтиришларга аёллар ўз болаларини ҳам олиб келишади, бундан мақсад уларни болалигидан шундай дам олиш шаклига ўргатиб боришдир. Аёлларнинг аксарият қисми давлат хизматида бўлганлиги сабабли улар бирга ишловчилар, яъни касбдошлар йиғинларини ҳам ташкил этишади. Баъзан биргина аёлнинг ўзи бир неча гапларда иштирок этиши ҳам мумкин.

Аёллар гапида ҳам ўтиришларни навбат билан ўтказишга амал қилинади. Бу йиғилишлар ҳар донм иштирокчилардан бирининг уйида ўтказилади. Эркакларнинг жамоаларидан фарқли ўлароқ аёллар

⁸ Раҳимов Р. Р. Ўша асар. 43-бет.

кўпинча уй бекасига муайян миқдорда пул олиб келадилар (унинг миқдори аввалдан келишиб олинган бўлади), бу пулга одатда қим-матбаҳо буюм сотиб олинади ёки дастурхонга қандайдир бир тансиқ таом тайёрланади. Аёллар ўтиришлари одатда жўшқинлиги, қўшиқ, рақслар, қувноқ ҳазилларга бойлиги билан ажралиб туради. Улар ўз йиғинларида маҳалладаги, шаҳардаги жорий воқеаларни биргалликда муҳокама қилишади, шунингдек, ҳаётини масалаларни ҳал қилишида бир-бирларига маслаҳат беришади. Бундай масалалар орасида бўла-жак тўйга тайёргарлик, болаларни тарбиялаш кабиларга алоҳида эътибор берилди. Масалан, «Уқчи» маҳалласидаги гаплардан бирин-да, унинг иштирокчиси Тўхтахон Аҳмедованинг ҳикоя қилишича, аёллар болаларга қарашда, уларни маънавий руҳда тарбиялашда бир-бирларига ёрдам беришга келишиб олганлар. Ҳар бир аёл, агар унинг дугонасининг боласи ёмон хулақ-атвори билан ажралиб турса, унга таибех беришга ҳақли ва бунга амалга ошириши даркор. Агар ота-онаси йўқ вақтда болалар қийин вазиятга тушиб қолсалар, уларга ғамхўрлик қилиши лозим⁹.

Ўтмиш даврининг ўзига хос қийинчиликлари даврида аҳолининг муайян қисми ўтириш уюштиришга қодир бўлмай қолди. Айрим маҳал-лаларда аёллар ўтиришларда пул тўплашдан воз кечдилар. Бир хил жойларда гапларга ҳам қатнашмай қўйдилар. Кўпгина гапларда дас-турхон устига қўйиладиган егуликлар биринчи қисқартирилди, яъни гап харажатлари камайтирилди. Шу билан бирга, бадавлатроқ аёл-лар ўтиришини уйда эмас, балки кафеларда ўткази бошладилар. Баъ-зи ҳолларда эътифат харажати пул тўплаш билан қопланадиган бўл-ди. Ҳозирча аёлларнинг бу йиғинлари кейинчалик қандай тус олиши-ни башорат қилиш қийин. Лекин шу нарса аниқки, ўтиришларни уй-дан ташқарида ўтказиш аёллар меҳнатини осонлаштиради, бироқ чиқимларга кўпчилик бардош бера олмайди. Аини пайтда анъана-вий гап нормаларига лутур етади. Уйлаймизки, келгусида аёлларнинг камтарона дастурхон атрофида ўтириб, ўзларининг мазмуни ва таъ-сирчан мулоқотга бўлган ўз эҳтиёжларини қондирадиган ўтиришлар оммавий тус олади.

90-йилларда диний тикланиш ва катта ҳамда ўрта ёшдаги авлод-нинг диний эътиқодга қайтиши муносабати билан аёллар йи-гинларида, айниқса, ўрта ва катта ёшдагилар иштирокидаги гаплар-да ўзгаришлар рўй берди. Аввалги қувноқ, қўшиқ ва рақсли, ҳазил мутўйибали йиғинишлар ўрнини, бир қатор жойларда «илми маъ-риф»¹⁰лар эгаллади. Масалан, аёллар ҳар ҳафтада иштирокчилардан бирининг хонадонда камтарона дастурхон атрофида тўпланишади, арабча ёзувини ўрганишади, диний китоблар ўқишади, отин ойнинг маърузасини тинглашади. Баъзи жойларда илми-маърифлар эргалаб соат 9 дан кечқурун 5 гача давом этади. Урта ва катта ёшдаги аёл-лар орасида мулоқотнинг яна бошқа шакли «мушкул кушод» ва

⁹ Муаллифнинг Уқчи маҳалласидаги ёзувлардан, 1999 йил.

¹⁰ *Илми маъриф* — маълумот, илм бериш, бу ўрнида диний мазмунидаги илм бериш назарда тутилади.

«мавлуд» сингари диний маросимлар ўтказиш ҳам оммалашган. Булар кейинги вақтларда Тошкент маҳаллаларидаги аёллар ўртасида муштазам равишда ташкил этилмоқда. Бундай йиғинларда аёллар диний маросимларни адо этиш билан бирга, бир-бирлари билан мулоқотда бўлиш имконига эга бўладилар. Кўпгина ҳал этилмаган умий ва шахсий муаммолар мавжуд бўлган шароитда аёллар ўз оилалари давралига уралашиб қолмай, жамоа билан мулоқотдан, унинг маънавий қўмағидан таскин топадилар.

Шундай қилиб, ўзбекларда буш вақтни биргалликда ўтказиш анъанаси ҳозирги кунларда ҳам сақланиб қолган бўлиб, ўз аҳамиятини йўқотмаган. Халқ бу қадимги удумда мавжуд бўлган ижобий томонларни ривожлантириб, уни янги шакллар, урф-одатлар, маросимлар билан бойитди. Гаплар бугунги кунда (худди ўтмишда бўлганидек) анъанавий порасмий уюшма сифатида фақат эркаклар ўртасида эмас, балки аёллар ўртасида ҳам оммаланиб, халқимиз замонавий турмуш тарзининг ажралмас бир қисми бўлиб қолди. Улар турмуш ва жамият муаммоларини биргалликда ҳал этишга ёрдамлашиш билан бирга, муҳим ахборотларни айирбошлаш, ҳаёт тажрибасини, ижтимоий-меъёрий маданиятни, анъанавий меҳмондўстлик одобини ўргатиш каби бир қатор муҳим вазифаларни адо этмоқда.

Мунозара ва мулоҳаза

Ҳурматли журналхон!

«Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти «Мунозара ва мулоҳаза» рукнида тарих атамаларига доир, тарих фанининг мунозарага сабаб бўлаётган мавзуларини чоп этишни мўлжалламоқда. Журналимиз таҳририяти бу соҳада сизни уйлантираётган муаммолар, ечимини кутаётган саволлар муҳокамасида иштирок этишингизни сўрайди.

Журнал таҳририяти

О. Бўриев

«ЧОРИЗМ» ДЕИШ ТУҒРИМИ?

Анчадан буён ўзбек тили луғатида, шунингдек, ўзбек тилида нашр этилган китоб ва мақолаларда «чоризм» деган атама ишлатилиб келинмоқда. Бу сўз луғат бойлигимизга қандай тарихий шароит тақозоси билан кириб қолган?

Албатта, ҳар қандай тил ҳам доимий ривожланишда, жаҳон тиллари таъсирида бўлади ёки ўзи ҳам бошқа тилларга таъсир этади, уларни бойитади. Бу умумбашарий сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг бориши билан боғлиқ. Бугунги ўзбек тилида (айниқса, илм-фан соҳасида) жуда кўплаб янги сўзлар, иборалар кирган ва улар, масалан, бундан беш аср олдинги ўзбек тилидан анча фарқ қилади.

Ун туққизинчи аср иккинчи ярмида Урта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi, сўнгра, XX асрда бу ҳудуд советлар ҳукумати таркибида бўлиши натижасида, ўзбек тилига жуда кўплаб илмий ва илмий-техникавий сўзлар Фарбдан рус тили орқали кириб келди. «Чоризм» сўзининг тарихи ҳам шу давр билан боғлиқ.

Ўзбек тили луғатида «чоризм» сўзининг мазмуни «Чор ҳукумати», «Чор Россияси» ибораларида ҳам акс этган.

Аслини олиб қарайдиган бўлсак, «чор» сўзи рус тилидаги «царь» сўзининг ўзгартириб олинган шакли ва «подшоҳ» деган маънони англатади. Ўзбек тилидаги «чоризм» эса, ўз навбатида, рус тилидаги «царизм» («подшоҳлик») сўзининг бузиб ёзилган кўриниши.

Кенгроқ талқин қиладиган бўлсак, «чор» сўзи бу ҳолатда «Россия подшоҳи» деган маънони англатади. Айни пайтда «Чор ҳукумати»

ва «Чор Россияси» иборалари ҳам ишлатилиб келинган. Бизнингча, ушбу хатонинг тузатиш керак ва «чоризм», «Чор ҳукумати», «Чор Россияси» ибораларининг луғатимиздан чиқариб, ўрнига «Россия подшоҳи», «Россия подшоҳлиги» ёки «Россия» деган сўзларни қабул қилинса, илмий нуқтанга назардан тўғри бўларди.

Бундай таклифни кун тартибига қўйишимизнинг яна бир сабаби, «чор» сўзининг ўзбек тилида тарихан шаклланган бошқа маъноси бор. Форсча «чор» сўзи «тўрт» демакдир ва у ўзбек тилида бир қанча сўз таркибида учрайди, ҳамда маълум маъноларга эга. Чунинчи,

чорак (чаҳоряк) — тўртдан бир;

чоракор — ҳосилнинг тўртдан бир қисмини олишга рози бўлиб, ижарага ер олиб ишловчи шахс;

чорраҳа — тўрт йўл ёки бир нечта йўлнинг кесишган жойи;

чорбоғ — уй-жойлар қурилган катта боғ;

чорбурчак — тўртбурчак;

чоргоҳ, *чорзарб* — классик куйларнинг номи;

чордана — оёқларни тиззадан буклаб ўтирмақ;

чордевор — тўрт девор ва ҳ. к.

Ҳурматли тарихчи ва атамашунос олимларимиз мазкур таклифга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар деган умиддамыз.

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

**АКАДЕМИК ЯХЕ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА
ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИНИНГ
НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ ҲАҚИДА
(2000 йил, 29 декабр, Тошкент)**

Янги йил, янги минг йиллик арафасида ва улуғ айём кунлари — 2000 йил 29 декабрда академик Яхё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Авесто»нинг 2700 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон давлати: тарихий негизлари ва ҳозирги замон» мавзусидаги навбатдаги 10-йигилиши Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида, УЭР ФА Тарих институти раҳбарлигида бўлиб ўтди.

Академик Яхё Ғуломов номидаги семинарни ўтказишдан беш мақсад, биричидан, республикамиз тарихчи олимлари илмий салоҳиятини ўзбек давлатчилиги тарихини тарихий ҳақиқат мезони нуқтан назаридан ўрганишга жалб қилиш ва унинг йўналишларини белгилаб беришдан иборат бўлса, иккинчидан, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини яратини мақсадида республикамизнинг барча тарихчи олимларининг илмий кучи ва билминини бирлаштириш ва жипслаштиришга қаратилганлигидир. Шу беш семинарнинг 10-йигилишига мамлакатимизнинг нафақат олий ўқув юрталари, балки тарих фанига ихтисослашган ўрта мактабларнинг ўқитувчилари ҳам жалб қилинди. Бу тадбирда жами 100 дан ортиқ соҳа мутаассадлари қатнашди.

Шунингдек, семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Қосимов ҳамда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори, академик Н. Иброҳимовлар иштирок этдилар. Улар ўз табрик сўзларида мамлакатимиз тарихчиларининг ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини чуқур ўрганишларида муваффақиятлар тиллаган ҳолда семинарнинг 10-йигилишини юқори даражада ўтиши учун истак билдирдилар.

Семинар дастурига мувофиқ «Авесто» ва ўзбек давлатчилиги тарихи масалалари мавзусида тарих фанлари доктори М. Насоқов маъруза қилди. Маърузачи «Авесто» ҳақида сўз юритиб, унинг ўлкамизда ислом дини тарқалгунга қадар (VII аср) аждодаларимиз эътиқод қилган зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлганлиги, «Авесто» аждодаларимиз Аллоҳнинг яққалиги ва ҳақлигига имон келтиргунларигача узоқ ўтмишдан бошлаб маънавий изланиш, ўзинини таниш йўлида босиб ўтган тафаккур тақомиллик босқичларининг меваси сифатида буюк меросимиз эканини таъкидлади. Шунингдек, «Авесто» Турон заминида уни яратган аждодаларимизнинг ҳаёт тарзи, мафкураси, бадний тасаввурларини ўзида мужассам қилган улкан тарихий манба эканлиги, унда қадимий тарих, дин, этнография, тарихий география, ахлоқий-фалсафий қарашлар ва бошқа кўплаб соҳалар учун қизқарли маълумотлар бера олиши ҳақида батафсил айтиб ўтилди. Маъруза якунида мамлакатимизда авестошуносликнинг илмий марказини тузиш ҳақида таклиф киритди.

Шунингдек, «Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида юридик фанлари доктори, профессор А. Х. Саидовнинг маърузаси тингланди. Маърузачи ўз сўзида давлат ва давлатчилик тушунчалари узаро аниқ бўлсалар-да, эйнан бир хил маънодаги тушунча эмаслиги, давлат тор маъноси шлатилиши, бу асосан жамиятнинг сиёсий ташкилоти ёки давлат органларининг тизими сифатида ишлатилишини таъкидлайди. Давлатчилик эса кенгроқ тушунча бўлиб, бу ерда тарихчилар илмий тадқиқотга яқин туради, чунки улар давлатни фақатгина жамиятнинг сиёсий ташкилоти ёки давлат органларининг йиғиндиси сифатида эмас, балки давлатнинг жамиятнинг барча соҳалари билан алоқаларини

боғлаб ўрганадилар. Демак, давлатчилик кенг ёндашув бўлиб, ҳозирги кундаги эҳтиёжларимизга кўпроқ жавоб берадиган тушунча эканлиги маърузачи томонидан илмий асослаб берилди.

Шу ўринда маърузачи яна бир муҳим масалага эътиборини қаратди. Ўзбекистонда, деди у, миллий мустақил давлатчиликнинг дастлабки нуқтаси қачондан илк қадамлари собиқ Иттифоқ давридан, яъни 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини асос қилиб олиш мумкин. Шунингдек, маърузачи Ўзбекистонда мустақил миллий давлатчилик барпо этилиши, ўзбек давлатчилигининг конституциявий асослари, президентлик бошқарув усули, Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини ва ўзбек миллий парламентишни шакллантириш ва шу каби бошқа масалалар хусусида батафсил тўхтади.

Маърузалар тугагач, маърузачилар семинар иштирокчилари томонидан тушган бир қатор саволларга жавоб бердилар. Шунингдек, семинарга қўйилган маърузалар бўйича музокараларда академиклар: А. Асқаров, А. Аҳмедов, А. Муҳаммадҷонов ва т. ф. д., проф. Э. Ҳ. Ҳолиқовлар сўзга чиқдилар.

Семинар якунида илмий-амалий анжуман раиси, ЎзР ФА Тарих институти директори, т. ф. д. Д. А. Алимова тинглаган маърузалар ва иштирокчилар томонидан кенг муҳокама қилинган ҳамда билдирилган мулоҳазалар бўйича ўз хулосаларини баён қилиб, семинар қатнашчиларининг фаол иштироки учун миннатдорчилик билдирди.

Шу билан академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 10-йиллигини ўз ишичи якунлади.

Э. З. Нуриддинов

МУНДАРИЖА

«Авесто»нинг 2700 йиллигига

А. Аширов. Ўзбек халқи турмуш тарзида зардуштийлик излари	3
Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига	
Ф. Қосимов. Алишер Навоийнинг тарихий қарашлари	13
Тарихга янги нигоҳ	
Жалолиддин Мирзо. Термиз салжуқийлар даврида	20
Азамат Зиё. Амир Темур давлатида аёл мавқеи (Сароймулкхоним ҳаёти ва фаолияти)	25
В. Гентшке. Из истории польской диаспоры	34
Тарихшунослик, манба ва талқин	
Р. Гарилов. Историкографический ракурс некоторых аспектов политической и социально-экономической обстановки в Туркестане в начале XX века	44
О. Пуговкина. Зарубежный источник по истории завоевания Хивинского ханства царской Россией	50
Н. Потапова. Обзор архивных источников по истории предпринимательства в Туркестане во второй половине XIX — начале XX века	57
Т. Қозоқов. «Тараққий» газетаси ҳақида	63
Этнология масалалари	
З. Орифхонова. Ҳозирги даврда Тошкент шаҳридаги эркаклар ва аёлларнинг анъанавий йиғинлари	70
Мунозара ва мулоҳаза	
О. Бўриев. «Чоризм» дейиш тўғрими?	78
Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар	
Э. Нуриддинов. Академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг навбатдаги йиғиниши ҳақида (2000 йил 29 декабр, Тошкент)	80

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- А. Аширов — ҶЗР ФА Тарих институти илмий котиби, тарих фанлари номзоди.
- Ф. Қосимов — Бухоро Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.
- Ж. Мирзо — Термиз Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди.
- Азамат Зиё — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис «Ешлар қўмитаси» раиси, тарих фанлари доктори.
- В. Гентшке — Ўзбекистон Миллий университети ходими, тарих фанлари доктори.
- Р. Гарипов — Ўзбекистон Давлат Иқтисодиёт университети ўқитувчиси.
- О. Пугоякина — Ўзбекистон Миллий университети аспиранти.
- Н. Ноганова — Алоқа институти «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ўқитувчиси.
- З. Орифхонова — ҶЗР ФА Тарих институти бўлим мудири, тарих фанлари доктори.

ЭЪЛОН!

«Ўзбекистон тарихи» журналнинг 2001 йил 3-сонини «Авесто»нинг 2700 йиллиги ва Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланшига бағишлаш мўлжалланмоқда.

Мазкур мавзуларга доир ҳажми 10—12 саҳифадан ошмаган мақолаларни «Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти 2001 йил 1 майгача қабул қилади.

Манзил: 700170, Тошкент, И. Муминов кўчаси, 9-уй, ЎзР ФА Тарих институти, 5-қават. 539-хона, «Ўзбекистон тарихи» журнали таҳрир ҳайъати, тел.: 162-93-21.

